Наврўзи олам муборак бўлсин!

2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi | www.qishloqhayoti.uz | 2009 YIL 22 MART, YAKSHANBA, 35-36 (7497) - son | 1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan | Bahosi kelishilgan narxda.

ЯШАРИШ, ЯНГИЛАНИШ, НАФОСАТ АЙЁМИ

Президент Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Шу кунларда баҳор нафаси тобора кучайиб, атроф-муҳит яшил либосга бурканиши билан, орзиқиб кутган Наврўзи оламнинг юртимизга кириб келиши ҳаммамизни чексиз қувонтиради.

Наврўзи оламни биз барча Шарқ халқлари қатори азал-азалдан, минг йиллар давомида, "Авесто" замонларидан буён сақланиб ва эъзозланиб келаётган, бизнинг миллий табиатимиз ва одатимиздан ажратиб бўлмайдиган, энг қадимий ва энг севимли, чиндан ҳам, ҳақиқий халқ байрами сифатида қадрлаймиз.

Наврўзи оламни биз ўзининг чуқур маъно-мазмуни ва фалсафаси билан ҳаётимиздан алоҳида ўрин олган, яшариш ва янгиланиш палласи, шарқона янги йилнинг дебочаси сифатида ардоқлаймиз.

Бу дилбар фаслда табиат очилиши, ер ўқ уйғониши билан ўзимизни янгитдан туғилгандек ҳис қиламиз, қалбларимиз пок ниятларга тўлиб, бутун вужудимизда эзгу саъй-ҳаракатлар жўш ургандек бўлади.

Бунинг тасдиғи айни шу кунларда – барчамиз бағримизни кенг очиб, Наврўз айёмига пешвоз чиқаётганимизда, шаҳар ва қишлоқларимиз, воҳаю водийларимизда ўтаётган сайил-томошаларда, тансиқ баҳор таомларини тайёрлаб, уларни ўз яқинлари, ёру дўстлари, маҳалла-кўй билан баҳам кўраётган минг-минглаб одамларнинг шоду хуррамлигида яққол намоён бўлмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, юртимиздаги ана шундай самимий, дилкаш муносабатларни кўрганда, биз қандай саховатли ва меҳрибон, қўнгли очиқ халқнинг фарзандлари эканимизни яна бир бор чуқур англаймиз ва бундан қалбларимиз беихтиёр ғурур ва ифтихорга тўлади.

Наврўзи олам мана шундай ёруғ кунларда юрагимиздан кечираётган олижаноб ҳис-туйғуларни намоён этиб, бир-биримизга меҳр-оқибат кўрсатиш, кексаларни зиёрат қилиш, ногиронлар, беморлар ва кўмакка муҳтож одамларга беминнат ёрдам беришдек гўзал фазилатлари билан Ватанимиздаги барча миллат ва элатлар учун ғоят азиздир.

Бағрикенг ва меҳмондўст халқимиз ўзига раво кўрган яхшилик ва эзгу тилакларни доимо ўзгаларга ҳам раво кўради.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги байрамимизда қатнашаётган хорижий меҳмонларимизга, элчилар ва чет эл ваколатхоналарининг вакилларига, барча-барча дўсту ҳамкорларимизга уларни бизнинг қадимий урф-одат ва анъаналаримизга кўрсатган ҳурмат ва эътибори учун сизларнинг номингиздан миннатдорчилик билдириб, чин дилдан қутлашга ижозат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Бугунги кунда бутун халқимиз янги йилда ўз олдимизга қўйган юксак вазифа ва марраларни амалга ошириш йўлида белни маҳкам боғлаб, эртанги кунга катта ишонч билан меҳнат қилмоқда.

Айниқса, фидойи деҳқонларимиз ва фермерларимиз 2009 йилга "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб ном берилганидан руҳланиб, яхши ният ва азму шижоат билан бепоён далаларимизда янги мавсумни бошламоқда.

Халқимизда азалдан янги йилнинг серҳосил ва омадли бўлиши Наврўзнинг қандай келишига, уни қандай кутиб олишингга боғлиқ, деб бежиз айтмайдилар.

Баҳор фаслининг юртимизга серёмғир келиши, кузда эккан экинларимиз тобора кучга тўлиб, кўкка бўй чўзаётгани, ўлкамизда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, Наврўз айёмини мана шундай шукроналик ва мамнунлик кайфиятида, хурсандчилик билан кутиб олаётганимиз – буларнинг барчаси бу йилги кўзлаган юксак марраларимизга, орзу-ниятларимиз ва мақсадларимизга албатта эришамиз, деган ишонч туғдиради.

Бу борада турли қийинчиликларга қарамасдан, мамлакатимизнинг бу йилги иқтисодий ривожланиши ва меҳнатчиларимизнинг оладиган маошлари, пенсия, нафақа ва стипендиялар, бир сўз билан айтганда, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифат кўрсаткичларининг ўсиши, иншоолло, ўтган йилгидан кам бўлмайди. Шундай деб айтишга бугун барча асосларимиз бор.

Муҳтарам ватандошларим!

Юртимизга Наврўз байрами кириб келиши билан мен бугун шу муҳташам ва бетакрор майдонда тўпланган сиз, азизларимга, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга ўзимнинг чуқур ҳурматимни билдириб, қалбимда, юрагимда бўлган энг самимий тилакларимни изҳор этишни ўзим учун катта бахт деб биламан.

Илоё, хонадонларимиздан меҳру оқибат, файзу барака аримасин!

Табаррук кексаларимизнинг умрлари узоқ бўлсин!

Барча эзгу орзу-ниятларимиз руёбга чиқсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

Диёримиз узра Наврўз нашидаси кезмоқда. Қиш либосини ечган борлиқ ўз гўзаллигини кўз-кўз қилмоқчидек турфа рангда жилоланади. Қут-барака, эзгулик, меҳр ва мурувват, одамийлик ва оқибат айёми – Наврўз дилларни сурур ва умидга тўлдиради.

21 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 10.45. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Президент Ислом Каримов минбарга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари барчани умумхалқ байрами, шарқона янги йилнинг бошланиши бўлмиш Наврўз айёми билан самимий қутлади. Ўзининг маъно-мазмуни, кўрку тароватн, теран фалсафаси билан бошқа байрамлар орасида алоҳида ўрин тутадиган Наврўз тимсолида халқимизнинг ўзига хос маънавияти, улуғлиги, асрий қадриятлари, миллий урф-одат ва анъаналари-удумлари тобора сайқалланиб, ривож топиб бораётганини таъкидлади.

Муаззам майдон узра шўҳчан куй – Наврўз навоси таралади. Шаббода шивири, қушлар чуғури, жилғалар жилдирашига ҳамоҳанг бу наво дарахт новдаларига тириклик суви югургани мисол жисму жонимизга ёқимли илиқлик таратади.

Карнай-сурнай ва ноғоралар садоси остида жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди. Одамлар қалбига чексиз қувонч бахш этадиган Наврўз сайли неча минг йиллардан буён халқимиз асрабавайлаб, эъзозлаб келаётган ҳаётбахш ва гўзал қадриятларимиздандир.

Наврўз мустақиллик йилларида янгича маъно-мазмун касб этди. У ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, хайру саховат ва меҳр-оқибат каби халқимизга хос фазилатлар тимсолига – умумхалқ байрамига айланди.

Халқимиз бу йил Наврўзни ўзгача тадорик билан қарши олмоқда. Кўкламнинг илк кунларидан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Юртимизда байрамолди ҳашарлари ташкил этилиб, унда ёшу қари, каттаю кичик фаол иштирок этди. Маҳаллалар, қишлоқлар, кўчалар, турар-жойлар ободонлаштирилди, ариқзовурлар тозаланди, зиёратгоҳ, қабристон ҳамда таборрук қадамжолар тартибга келтирилди, мевали, манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтказилди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинди. Барчамизнинг илдизимиз, томиримиз она заминга боғлиқ. Шу боис Ватан деган улуғ ва муқаддас тушунча, аввало, қишлоқ тимсолида намоён бўлади. Халқимизнинг ризқ-рўзи заҳматкаш деҳқонларимиз етиштирадиган ноз-неъматлар билан ўлчанади.

Наврўз байрамининг мазмун-моҳияти саховатли замин билан, деҳқону соҳибкорларимиз, чорвадору миришкорларимиз меҳнати билан, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ.

(Давоми 2-саҳифада)

Тошлоқ туманининг Гузарбоши маҳалласида аҳоли плёнка остига экин экиб, деҳқончилик қилаётган умумий майдон 17 гектарни ташкил этади. 12 та хонадон ихтиёрида эса 60 сотихга яқин иссиқхона бор. Кўплаб оилалар эртанги резавор кўкатлар сотиб, миллионлаб даромад қилишяпти.

МИРИШКОРНИНГ МИЛЛИОНЛАРИ

Тошлоқликлар деҳқон хўжалигидан катта даромад олишаяпти

Деҳқонбой ака Қорабоев оиласи билан ҳовлисидаги 8 сотих ерга плёнка тортиб, ўтган ой бошида редиска уруғи сепган эди. Экин баравж ривожланиб, эрта етилди. Ёнларида ҳар хил кўкатлар, саримсоқпиёз ҳам бор. Бир ҳафтаўн кундан бери редиска бозорга чиқарилмоқда. Бўшаган ерларга эса пешма-пеш кўкартириб олинган картошка, қалампир, булғор қалампири кўчатлари қадаляпти. Хонадон соҳибининг айтишича, ердан шу хилда уч марта ҳосил олиш эвазига кўраётган соф фойда 3 миллион сўмдан ошаяпти.

Иссиқхоналарда пишиқчилик йил бўйи давом этади. Шу туфайли улар қиш ойлари давомида Фарғона, Марғилон шаҳарлари аҳолисини барра бодринг, помидор билан таъминлаб келдилар. Айни пайтда деҳқон хўжалиги эгалари, фермер хўжаликларига хилма-хил сабзавот экинлари ниҳолларини ҳам етказиб беряптилар.

Яккатут, Заркент қишлоқларидаги Содиржон Орипов, Абдусаттор Луқмонов, Маъмуржон Орипов, Абдурахим Собиров сингари миришкорлар ҳам плёнка остида эртанги сабзавот маҳсулотлари етиштиришда ном қозонганлар. Бозор ва дўконларга юборилаётганидан ортган маҳсулотлар, ҳатто, қўшни республикаларга экспорт ҳам қилинмоқда.

Президентимизнинг 2008 йил 20 октябрдаги "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони туман қишлоқлари аҳолиси ҳамда фермер хўжаликлари эъзоларига куч-қувват бағишлади. Туман ҳокимлиги томонидан бу борада аниқ ҳисоб-китобларга асосланган режа-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларнинг изчил ва тўлиқ бажарилиши таъминланмоқда. Шунга кўра, плёнка остида сабзавот экинлари экилаётган ерлар 553, фермер хўжаликларида эса 174 гектарга етказилди. Ички бозорни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан йилнинг барча фаслида тўлиқ таъминлаш мақсадида яқин вақт ичида 9 та иссиқхона қуриш, шунингдек, 4 та паррандачилик хўжаликлари ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Шу йил давомида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш учун 2200 га яқин янги иш ўринлари яратиш мўлжалланаяпти. Бунинг асосий қисми қишлоқларда ишга туширишг режалаштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини консервалаш цехи ва кичик заводлари ҳисобига бўлади.

Тошлоқ туманида бу йил озиқ-овқат экинлари майдонлари ҳар қачонгидан кенгайди. Сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари 1250 гектарга яқин ерга уруғ ташлашга ҳозирланяпти, полиз экинлари майдонлари 140 гектарга етди. Ажратилган 750 гектар ерга картошка экиш ўтган ой охирида тамомланди.

Музаффар МАМАТҚУЛОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Фарғона вилояти

Ўлкамизда Наврўз шукуҳи

Уйғониш, яшариш ва янгиланиш шодиёнаси вилоятнинг 1283 та қишлоқ ҳамда маҳаллаларида ўзгача руҳда нишонланди. Наврўз умумхалқ байрами кунлари 53 мингдан ортиқ ёрдамга муҳтож оилага 1,2 миллиард сўмлик ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди.

Вилоят маркази Қарши шаҳри баҳор айёми муносабати билан байрамона безатилди. Наврўз ва баҳорни улуғловчи тасвирлар, шиорлар кўча ва истироҳат боғлари кўркига кўрк қўшди. Маданият ва истироҳат боғида маҳаллалар, корхона ҳамда ташкилотлар томонидан баҳорнинг таомлари сумалаклар тайёрланди. Дошқозонлар атрофида халқимизнинг қадимий қўшиқ ва лапарлари куйланиб, рақслар ижро этилди. Хиёбонларда вилоят "Ҳунарманд" уюшмаси томонидан қўргазма ташкил этилди. Тантаналар дастури тамомила янгича, қўтаринки кайфиятда бўлиб, унинг замири Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили ғояси билан суғорилди. Байрам тадбирида вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев меҳнат ва бунёдкорлик байрамининг ўзига хос томонлари ҳақида алоҳида тўхталиб, истиқлол шарофати ила миллий анъана ва маросимларимиз, халқ байрамларимизда умуминсоний жиҳатлар қарор топаётганлигини мамнуният билан қайд этди.

Қарши шаҳридаги Амфитеатрда бўлиб ўтган тадбирда мамлакатимиз пойтахтидан ташриф буюрган санъат усталари билан бирга вилоят театри актёрлари, истеъдод соҳиблари ўзларининг қўшиқ ва куй ҳамда рақслари билан Наврўзи оламни мадҳ этдилар. Театрлаштирилган жонли лавҳаларда халқимизнинг ўлмас миллий анъаналари ва қадриятлари, эртанги кунга бўлган қатъий ишонч тўлақонли акс этди.

Ҳусан ТЕМИРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Қашқадарё вилояти

* * *

Термиз шаҳридаги "Алпомиш" хиёбонида "Баҳор каби яшна, она юрт" деб номланган оммавий байрам сайли бўлиб ўтди. Тадбирда шаҳар ва туманлардан ташриф буюрган корхона ва ташкилотлар, маҳаллалар вакиллари, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик иштирок этди.

«Алпомиш» хиёбони Наврўз байрами арафасида ободонлаштирилиб, хушманзара масканга айлантирилди. Мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Амфитеатр биноси, спорт иншоотлари ва болалар ўйингоҳларида катта ҳажмдаги таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Умумхалқ байрамига бағишланган тадбир доирасида қўли гул ҳунармандлар тайёрлаган уй-рўзғор анжомлари, ёш иждодкорлар ва халқ амалий санъати усталарининг ижод намуналари, талаба-ёшларнинг қадимий урф-одат ҳамда анъаналаримизни акс эттирувчи кўргазмалари, сумалак сайли, миллий ўйинлар мусобақаси ташкил этилди.

Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театри, вилоят кўғирчоқ театри, фольклор-этнографик дасталари, халқ бахшилари ва эстрада хонандалари иштирокида театрлаштирилган томошалар, Ватан, баҳор, тинчлик, гўзаллик ва ёшликни таранним этувчи куй-қўшиқлар байрамга янада кўтаринки руҳ бахш этди.

– Байрам тадбирларида ёш бахшиларнинг «Алпомиш», «Гўрўғли», «Кунтуғмуш», «Авазхон» каби эл суйган достонларни меҳр билан куйлаётганидан қувондим, – дейди Ўзбекистон халқ бахшиси Кара Умиров (Қора бахши). – Бизнинг ёшлик давримизда эл орасида халқ достонларини бугунгидек баралла айтиш, қадрли ва суюкли байрам – Наврўзни кенг нишонлаш имкони йўқ эди. Истиқлол шарофати билан Алпомиш, Авазхон, Гўрўғли сингари мард ва жасур ўғлонларимиз жасорати тилларда баралла янграмоқда.

Жорий йилда кўклам нафаси эса бошлаган илк кунлардан вилоятда йирик ҳажмдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Янги боғлар барпо этилди. Қишлоқларда олтмишдан ортиқ турли иншоотлар, сервис ва замонавий савдо шохобчалари фойдаланишга топширилди.

Сурхон воҳасида байрам тадбирлари қизғин давом этмоқда.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

Сурхондарё вилояти

Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат","Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзғўштсутсаноат" уюшмалари, "Пахта Банк", "Ғаллабанк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

ЯШАРИШ, ЯНГИЛАНИШ, НАФОСАТ АЙЁМИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Майдон теграсида ҳилпираётган байроқлар табиатнинг анвойи рангларига уйғунлашиб кетган. Кўкда тебраниб турган улкан ҳаво шарлари дилларга ўзгача завқ бағишлайди. Саҳна гирдидаги турфа гуллар қуёш нурларида сирли жилоланади...

Болажон халқимизнинг улуғ байрамини бахтиёр кичкинтойлар бошлаб беради. Юзларида самимият ва

беғуборлик балқиган ўғил-қизларнинг шўх-шодон кулгилари, жарангдор куй-қўшиқлари барчани болаликнинг сирли оламига етаклайди.

Баҳорни бежиз ёшликка менгзамайдилар.

Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб баркамол авлод тарбиясига, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўтган йиллар мобайнида амалга оширилган ўзгаришлар силсиласида ёшлар сиёсати устувор аҳамият касб этади. Халқимиз эртанги кун умиди билан, ёруғ келажакка ишониб яшайди. Шу боис, бугун барпо этаётган янги ҳаётни биз, аввало ўзимиз, қолаверса, ўсиб келаётган авлодимиз учун қурмоқдамиз. Президентимиз таъбири билан айтганда, фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт.

Ўтган 2008 йил – "Ёшлар йили"да ўғил-қизларимизга янада кенг йўл очиб бериш, уларнинг соғлом ва баркамол вояга етиши, замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаши, ўз қобилият ва имкониятларини, куч-қувватини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратиш, ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Ёшлар том маънода бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиб бормоқда.

Таълим соҳасида қабул қилинган умуммиллий давлат дастурларида кўзда тутилган ислоҳотлар бугун юксак самаралар бермоқда. Умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўлиқ жалб этиш тизими шакллантирилди. Кадрлар тайёрлаш сиёсатининг натижалари нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам эътироф этилган. 2008 йилнинг ўзида 169 касб-ҳунар коллежи, 23 академик лицей барпо этилгани, 1 минг 875 мактабда янги қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилгани келажак йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг ёркин ифодасидир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада оммавий спорт ўйинлари юксак самаралар бермоқда. Болалар спортини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар туфайли замонавий спорт мажмуаларида жисмоний камолотга етган ёшларимиз халқаро майдонларда Ўзбекистон байроғини баланд кўтармоқда. Пекинда ўтган XXIX Ёзги олимпиада ўйинларида спортчиларимиз битта олтин, иккита кумуш, учта бронза медални қўлга киритди. Футбол бўйича Ўзбе-

кистон ёшлар терма жамоаси Осиё биринчилиги мусобақаларида фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, жорий йил Мисрда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш, оммавий спортни ривожлантириш мақсадида ўтган йили 184 спорт иншоотида қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилиб, минглаб фарзандларимизнинг спорт билан шуғулланиши учун яратилаётган имкониятлар янада кенгайтирилди.

...Барча байрамлар ҳам азиз, барча байрамлар ҳам қадрли. Аммо Наврўзнинг соғинчи ва шукуҳи бўлакча. Яратганга шукрлар бўлсинки, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, фарзандларимиз соғ-саломат. Халқимизнинг орзулари мўл, тилаклари бисёр. Набирасини етаклаган отахонлар, кайвони онахонлар, атласларда ял-ял ёниб келаётган қиз-жувонлар, сочларига толбаргак тақкан қизалоқлар, нигоҳлари осмонларда ҳаволанаётган варракларга боғланган болакайлар, белида белбоғи бор бўз йигитлар – барча-барча Наврўз сайлига ошиқади. Сайил қизийди: ҳофизу хонанда ҳам, ўланчию лапарчи ҳам, аскиячи ва қизиқчи, дорбозу морбоз, масхарабозу қўғирчоқбоз ҳам шу ерда. Улоқ-кўпкари, пойга, кураш, арқон тортиш, тош кўтариш, мерганлик томошалари қизиғандан қизийди. Дошқозонларда қайнаётган сумалак ва ҳалим ҳиди димоғни қитиқлайди...

Наврўз айёми азалдан меҳр-оқибат, саховат, бағрикенглик ифодаси бўлиб келган. Ўтмишда Наврўз куни урушлар тўхтаган, гина-кудуратлар унутилиб, элда тинчлик, осойишталик қарор топган. Ота-боболаримиз бундай кунларда фақат эзгу ишлар қилишга, кексаларнинг дуосини олиб, етим-есир, бева-бечора, хастаю муҳтожларга меҳрибонлик кўрсатишга интилганлар.

Ана шундай эзгу фазилатлар Мустақиллик туфайли қайтадан қадр топиб, янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Мўътабар қарияларимиз, отаоналаримизнинг ҳурмат-эҳтироми жойига қўйилмоқда, жамиятимизда меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззатда бўлиш, ҳеч кимни ёлғиз ва эътибордан четда қолдирмаслик муҳити тобора мустаҳкамланмоқда. Мустақил ҳаётга қадам қўйган ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, Меҳрибонлик уйлари битирувчиларини турар-жой билан таъминлаш борасидаги ишлар ҳам ана шу эзгу фазилатларнинг амалий ифодасидир.

Буюк боболаримиз асрлар давомида яратган бой маънавий ва маърифий меросни, миллий қадриятларимизни янада бойитиш ва уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғун ҳолда ривожлантириш, халқимизни, айниқса, ёш авлодни ана шу рухда тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда муаззам пойтахтимиз – Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи кенг нишонланади.

...Мақом, фольклор-этнографик ансамбларнинг чиқишларида, турфа рақсларда, халқ ўйинларида кўп минг йиллик тарихга эга, гўзал ва бетакрор байрамимизнинг ноёб қирралари ўз аксини топади. Бу қутлуғ айёмнинг кишиларни бирлаштирувчи, дилларни дилларга боғловчи ҳаётбахш кучи янада яққол намоён бўлади...

Наврўз арафасида шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилган янги иншоотлар, корхона ва ўқув муассасаларини фойдаланишга топшириш хайрли анъанага айланган. Шу кунларда юртимизда янги корхоналар, ишлаб чиқариш объектлари, тиббиёт муассасалари, маданият ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар замирида юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилаш, фаровон ва тўкин ҳаётни таъминлашга интилишдек эзгу ниятлар мужассам.

Мамлакатимизда қулай инвестиция муҳити яратилган. 2008 йилда иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 6,4 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди. Ўзлаштирилган инвестициялар асосан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Янги иш жойлари ташкил этиш, айниқса, ёшларни ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган эътибор натижасида аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақини ошириш ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган изчил сиёсат туфайли 2008 йилда ўртача иш ҳақи 1,4 баробар ошди. Аҳолининг реал даромадлари йил давомида жон бошига 23 фоиз кўпайди.

Наврўз томошалари кўтаринки рухда давом этади. Санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш ижрочиларнинг она юртни, истиқлолни, Наврўзни, баҳор ва муҳаббатни мадҳ этган чиқишлари қалбларни тўлқинлантиради. Мусиқий оҳанглар, дилтортар рақслар, фусункор саҳна манзаралари кишига завқ-шавқ бағишлайди...

Аждодларимиз янги меҳнат йилини айни Наврўздан бошлаганлар. Деҳқонларимиз эл-юрт дастурхони тўкин бўлсин, деган ниятда ерга барака уруғини сочганлар.

Айни кунларда фермерлар кўклам юмушлари билан банд. Галлазорлар озиқлантирилиб, ер майдонлари экишга тайёрланмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланган фермерларимизнинг 2008 йил пахта етиштиришдаги улуши 99,1 фоизни, ғалла тайёрлашда эса 79,2 фоизни ташкил этгани уларга яратиб берилган шарт-шароит ва эътибор самараларидандир.

...Қорлар эриб, кўклам либосига бурканган қир-адирларда баҳор элчилари – бойчечаклар, лолақизғалдоқлар кўзни қувнатади. Арқон солиб турналар учиб келади.

Дилбар куй-қўшиқ ва рақслар самога сочилган рангин мушакбозликка уланиб кетади...

Миллий боғ бўйлаб ёйилган қандолатчилик расталари сайил қатнашчилари, болажонлар билан гавжум. Миллий ҳунармандлик маҳсулотлари кўргазмаси эътиборни тортади.

Юртимиз бўйлаб Наврўз нашидаси кезади. Шаҳар ва қишлоқларимизда, беғоён дашту далаларда Наврўз сайли, шодиёналар давом этмоқда.

Воҳид ЛУҚМОН,
ЎзА шарҳловчиси.

Сарвар ЎРМОНОВ ва Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўлкамизда Наврўз шукуҳи

Ўлкамизга фасллар келинчаги — баҳор кириб келди. Ўзининг яшил либосига атрофни буркаётган бу фаслнинг таровати ўзгача. Оролбўйининг чекка-чекка қишлоқларида ҳам Наврўзи олам шукуҳи, байрам кайфияти кезмоқда.

Қишлоғу шаҳарлар, олис-олис овулларда ободонлаштириш ишларига барвақт киришилди. Ариқ-зовурлар тозаланиб, ҳовли, кўча ва хиёбонлар тартибга келтирилди. Ҳар бир маҳаллада дошқозонлар ўрнатилиб, сумалак, ҳалим, кўксомса сингари баҳорий таомлар тайёрланмоқда.

Элликқалъа туманининг "Гулистон" овули фуқаролар йиғинида ҳам Наврўз шодиёналари эрта бошланди. Бу ерда турли миллат ва элат вакиллари аҳил ва ҳамжиҳатликда яшаб келмоқда. Улар баҳорнинг ушбу гўзал байрамини бирдамликда нишонлашга пухта ҳозирлик кўришди. Турли тиллардаги қўшиқлар, миллий рақслар байрамга янада кўтаринкилик бағишлади.

— Наврўз азалдан меҳр-оқибат, дўстлик, бирдамлик, бағрикенглик айёми сифатида нишонлаб келинади, — дейди овул фуқаролар йиғини раиси Олия Ражапова. — Ёши улуғ момоларимиз бошчилигидаги сумалак сайли ҳам эсда қоларли тарзда ўтди. Унга қишлоқ маданият уйи ходимлари ўз чиқишлари билан янада файз киритди.

Қадимий "Қирққиз" қалъаси ёдгорлигига туташиб кетган кенгликларда ўтовлар тикилиб, турли спорт мусобақалари ўтказилди. Халқ ўйинлари байрам қатнашчиларига оламолам завқ бахш этди. Забардаст полвонлар гиламга чиқиб, кураш тушди. Осмонга кўтарилган турфа варраклар болажонларга чексиз қувонч улашди.

Наврўз тантаналари чавандозлар беллашувига уланиб кетди. Турли масофаларга от чоптириб, ғолиб чиққан чавандозлар қимматбаҳо совринлар билан тақдирланди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Наврўз тантаналари Тошкент вилоятида ҳам ўзгача тус олди. Эрта тонгдан бошланган байрам кайфияти халқ сайилларида янада кўтаринкилик касб этди. Янгийўл шаҳридаги байрам Наврўз саховатини ўзида акс эттирди. "Маҳмудов Ўткир" фермер хўжалиги раҳбари Ўткир Маҳмудов тумандошлари учун Наврўз дастурхонини тузатди.

Дошқозонларда Наврўз таомлари пиширилди. Санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар байрамга янада файз киритди.

Ногирон инсонлар ҳолидан хабар олинди, боқувчисини йўқотган оилаларга байрам совғаси улашилди. Наврўз тантаналари тўйларга уланиб кетди. Кўплаб боланинг суннат тўйи ўтказилди.

Рашид ГАЛИЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.
Муаллиф олган суратлар.

Тошкент вилояти

Диққат, янгилик!

ИШХОНАЛАР ЯРМАРКАСИ

Шу тадбир туфайли фойдаланилмай ётган кўплаб бинолар гавжум бўлмоқда.

Мухтасар шарҳ: *Дўстлик тумани ҳокимлиги ва туман прокуратураси аҳоли бандлик даражаси таҳлилини ўтказдилар. Унга кўра, туманда меҳнатга яроқли аҳоли, ишлаётганлар ва ишсизлар аниқланди. Ишсизларнинг касб мутахассисликлари, касби бўлмаганларнинг эса интилиш ва лаёқатлари ҳисобга олинди.*

Бундан кўзланган мақсад имкон қадар кўпроқ янги иш ўринлари яратиш ва уларга ишсиз фуқароларни таклиф этишдир. Бунинг самараси эса... Туманда ўтган йил давомида режалаштирилган 1700 та янги иш ўринлари 1850 тага етказилиб бажарилди. Бунга Юртбошимизнинг қарорлари асосида фуқароларга бепул берилган 500 бошдан зиёд қорамол парвариши билан машғул кишилар ва саноат корхоналарига жалб этилган 312 нафар касаначи кирмайди, албатта.

— Энди "Ишхоналар ярмаркаси" ўтказсак-чи? — деди туман прокурори вазифасини бажарувчи, адлия маслаҳатчиси Шавкат Турдибеков. — Бунинг биринчи моҳияти шундаки, тадбиркорликни орзу қилиб, керакли бино ёки иншоотни қуриш имкониятига эга эмаслигидан ишсиз юрганлар ишли бўлади, иккинчидан, қурилиб, бўш турган бинолар эгалик бўлиб, бузилиб кетишдан сақланади.

Туман ҳокимлиги мутахассислари, ҳокимлик қошидаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси, туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари бараварига бу таклифни қабул қилдилар. Шу тариқа туманда "Ишхоналар ярмаркаси" ўтказилди.

Ярмаркага замонавий лойиҳада қурилган, лекин ҳозирги пайтда фаолият юритмаётган ўндан ортиқ чойхона, ошхона, кафе-бар, маиший хизмат бинолари йирик суратларда акс эттирилиб қўйилди. Суратлар таснифида эса бинонинг қачон қурилгани, неча киши ишлаши мумкинлиги, умумий овқатланиш корхонаси сифатида неча ўринлилиги ва бошқа маълумотлар ёзиб қўйилганди. Масалан, "Дўстликдонмаҳсулотлари" акциядорлик жамиятига қарашли чойхонани олайлик. Табиий газ, электр ва ичимлик суви билан таъминланган, жойлашиши жиҳатидан "Дўстлик-Жиззах" магистрал йўли бўйида, 250 ўринли қишки зали ва ёз фаслига мўлжалланган пешайвон ҳамда кенг ҳовли саҳнига эга. Биносининг қулайлигидан уни мўъжазгина тўйхона ва бошқа тантаналар жойига айлантириш ҳам мумкин. Камида 10-12 киши ишли бўлади.

Мазкур ярмарканинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, унга туманда фаолият кўрсатаётган банк филиаллари, туман давлат солиқ инспекцияси, тадбиркорликни рўйхатга олиш инспекцияси вакиллари ҳам таклиф этилиб, улар томонидан иштирокчиларга кредит-молия таъминоти, рўйхатдан ўтиш ва солиқ тартиб-қоидалари ҳақида тушунчалар берилди. Ярмарка иштирокчиларига ўз бино ва иншоотларини таклиф этаётган кишилар ва меҳнат жамоалари вакиллари ишхоналарни узоқ муддатли ижарага беришларини, ижарачилардан маҳсулот ишлаб чиқаришлари ёки тадбиркорлик ишларини тўлиқ ташкил этиб, дастлабки фойда олиш давридаги 4-5 ой давомида ижара ҳақи олмасликларини билдирдилар. Хусусий маиший хизмат кўрсатиш иншооти сифатида қурилган бино эгаси Нина Рускина эса, ҳатто, бир йил давомида ижара ҳақи олмаслигини билдирди.

— Ижара ҳақи олмаслик муддатига қатъий амал қилинади, — деди тадбирда сўзга чиққан туман ҳокими Сайфиддин Шералиев. — Келишиладиган 4-5 ой давомида ижарачи ҳам, ижарадор ҳам лафзидан қайтмаслигига, келишув шартларини бузмасликларига мана биз, туман ҳокимлиги ва туман прокуратураси вакиллари кафилмиз.

Ишхоналар ярмаркаси самарали бўлди. Ярмаркага кўплаб тадбиркорлар, иш бўйича талабгорлар ва қизиққан аҳоли ташриф буюрганидан фойдаланиб, тадбир сўнгида туман ҳокими С.Шералиев ва прокуратура раҳбари Ш.Турдибеков улар билан очиқ мулоқот ўтказишди.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Жиззах вилояти

Пойтахтимизда "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки фаолиятининг 2008 йил якунлари ҳамда 2009 йилдаги устувор вазифаларга бағишланган акциядорларнинг умумий йиғилиши бўлиб ўтди.

УСТУВОР ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Унда таъкидланганидек, ўтган йил "Микрокредитбанк" учун муваффақиятларга эришиш даври бўлди. Бугунги кунда 78 филиали, 270 минибанки ҳамда бир неча агентлиги фаолият юритиб келаётган банк сармояси аввалги йилга нисбатан 68 фоизга ошди. Шунга мутаносиб равишда банк устав капитали йил давомида 64 фоизга, активлар эса 146 фоизга кўпайди. Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида берилган кредит, кўрсатилган лизинг хизматларининг салмоғи 164 фоизга етди.

Бундан ташқари, банк кредит портфели 2007 йилга нисбатан 1,7 баробарга ошиб, яъни 159,7 миллиард сўмни ташкил этди. Унинг 41,8 миллиард сўми қисқа муддатли кредит бўлса, 117,9 миллиард сўми узоқ муддатли кредитлардир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микромолиявий хизматлар кўрсатиш режаси – 123,2 фоизга бажарилди ва кўрсатилган микромолиявий хизматлар миқдори 55,4 миллиард сўмни ташкил қилди.

Умуман, ажратилган микрокредит ва кўрсатилган микролизинг хизматлари ҳисобига республика бўйича 56 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Банк ўтган йили 576 кичик бизнес субъектига 16,4 миллиард сўмлик лизинг хизмати кўрсатди. Жумладан, уларнинг 536 таси ёки 14,7 миллиард сўмлиги микролизинг хизматларидир.

Микролизинг хизматларининг 29 фоизи ёки 4,3 миллиард сўми қишлоқ хўжалиги техникалари, 22,4 фоизи ёки 3,3 миллиард сўми ишлаб чиқариш ва 48,6 фоизи ёки 7,1 миллиард сўми хизмат кўрсатиш тармоқларига йўналтирилди.

Бутунжаҳон Микромолиявий ташкилотларнинг ахборот алмашинуви – "MIX-MARKET" рейтинг агентлиги ҳисоботига кўра, "Микрокредитбанк" Марказий Осиё ва Европадаги микрокредитлар бериш йўналишида йириклиги бўйича жаҳоннинг энг яхши 100 та банки сафига кирди ҳамда 5 олмосли микромолиявий хизмат кўрсатувчи банк сифатида эътироф этилди.

Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан банк имкониятлари янада кенгайди.

Шунингдек, йиғилишда банк акциядорлари жорий йилнинг устувор вазифаларини белгилаб олишди.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Ердан оқилона фойдаланиш – долзарб масала

Самарқандда "Ўзбекистон Республикасида ер муносабатларини тартибга солиш, ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, ер тузиш, ер кадастрини юритишда замонавий технологиялар ва дастурларнинг қўлланилишини такомиллаштириш" мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

Унда "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси тасарруфидаги корхоналар раҳбар ва мутасаддилари, тупроқшунослик ва агрокимё давлат илмий-тадқиқот институти вакиллари, қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимлари иштирок этди.

Анжуманда таъкидландики, аграр соҳага қаратилаётган эътибор кучайтирилганлиги, ердан мақсадли ва оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ер ҳисобкитобини аниқ юритишга киришилганлиги ўзининг ижобий самарасини бераяпти.

Шунингдек, анжуманда сўзга чиққанлар кейинги йилларда соҳага замонавий техника-технологияларнинг кириб келиши натижасида ер ҳисоб-китобини юритишда аниқлик ва тезкорликка эришилаётганини эътироф этишди. Яъни, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан халқаро тендер натижалари асосида энг замонавий 160 та комплект йўлдош тизимли геодезик асбоб-ускуналар ҳамда уларга тегишли дастурий таъминотлар сотиб олиниб, жойларга етказилган.

Бундан ташқари, қўмита тизимидаги шу иш билан шуғулланувчи ташкилотлар моддий-техника таъминотини яхшилаш, тупроқ намуналари кимёвий таҳлилларини тезлаштириш ва бу ишларни ҳудудларнинг ўзларида – бевосита далада тез ва сифатли амалга ошириш мақсадида тезкор, ҳаракатчан еттита агромобиль лабораториялари ва бошқа аналитик асбоб-ускуналар, кимёвий препаратлар билан таъминланган.

Шунингдек, семинарда баъзи жойларда ердан фойдаланишда қонунбузарлик ҳолатлари ҳам учраб турганлиги қаттиқ танқид қилиниб, уларни бартараф этиш йўл-йўриқлари айтиб ўтилди.

Анжуман давомида иштирокчилар Жомбой тумани Ер ресурслари ва кадастр бўлими янги биносининг тантанали очилиш маросимида қатнашдилар ва иш фаолияти билан якиндан танишиб, тажриба алмашдилар.

Анжуман ишида Самарқанд вилояти ҳокими Ў.Барноев иштирок этди ва сўзга чиқди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
Манноб ИБОДУЛЛАЕВ.

Самарқанд вилояти

Ҳурматли ҳамюртлар, ҳамкорлар ва ҳамкасблар!

Ипотека–Банк Сизни энг улуғ, энг азиз –Наврўз байрами билан муборакбод этади. Барчангизга сиҳат–саломатлик, фаровонлик, қувонч, баҳорий кайфият, Ватанимиз равнақи, юрт тинчлиги ва эл фаровонлиги йўлида амалга ошираётган ишларингизда ривож тилайди.

Ипотека банк барча турдаги банк хизматларини кўрсатади ва банк хизматидан қулай фойдаланишга имконият яратган ҳолда молия оламида мўлжал олишга, маблағингизни унумли сармояларга жойлаштиришга ёрдам беради

IPOTEKA BANK

www.ipotekabank.uz

Анжуман

ТАШАББУС, ҲАРАКАТ – ЮҚОРИ САМАРА ГАРОВИ

Яқинда Тошкент вилояти ҳокимлигида Президентимизнинг халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар асосида вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини таъминлаш, аграр соҳа вакиллари зиммасида турган ҳамда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурига мувофиқ амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар муҳокамасига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Оммавий ахборот воситалари иштирокидаги мазкур анжуманда вилоят ҳокими Рустам Холматов вилоятда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, шунингдек, янги иш ўринлари яратиш, пировардида аҳоли бандлиги ва ишсизлик муаммосини ҳал этиш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида алоҳида тўхталди. Таъкидланганидек, аҳоли бандлиги масаласи қониқарсиз аҳволда бўлган Оҳангарон, Бекобод, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ каби туманларда мазкур муаммони ҳал этиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, вилоятдаги айрим ночор, ривожланишдан орқада қолаётган катта-кичик корхоналар фаолиятини жонлантириш, саноатда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш сингари муҳим масалалар билан ҳам жиддий шуғулланилаётир.

Анжуманда бошқа кўплаб масалалар юзасидан ҳам фикрлар алмашилди, иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

Раимқул СУЯРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.
Тошкент вилояти

Муборакбод этамиз!

Шаҳар ва қишлоқларимизни обод этишга катта ҳисса қўшаётган қурувчиларни, бинокорлик материаллари саноати корхоналари ходимларини, барча юртдошларимизни Наврўз байрами билан чин дилдан қутлаймиз. Шифер ишлаб чиқариш ҳажмини тобора кўпайтириб, уй-жойлар, мактаблар, коллежлар ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бинолари тез ҳамда сифатли қурилишига ўз ҳиссасини қўшаётган ишчи-хизматчиларимиз Ўзбекистон аҳлига сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик тилайдилар.

Жиззах вилоятидаги "КЎҲИ НУР" корхонаси жамоаси

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ БОШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини Наврўз айёми билан самимий қутлайди. Хонадонларингиздан файзу барака, аҳиллик аримасин. Доимо юртимиз тинч, дастурхонларимиз тўкин бўлсин!



ҚИШЛОҚЛАР ФАЙЗЛИ, ОБОД БЎЛАДИ

Саъй-ҳаракатимиз шунга йўналтирилган, — дейди Қўшқўпир тумани ҳокими Жуманазар Ибодуллаев.

Қўшқўпир Хоразм воҳасининг жанубий-ғарбида жойлашган бўлиб, ўзига хос иқлими ва тупроқ шароитига эга туман бўлиб, сув йўлининг энг охирида жойлашган. Кетма-кет бўлаётган сув тақчиллиги катта қийинчиликлар туғдираётган бўлса-да, туман аҳли омилкорлик билан меҳнат қилиб, бунёдкорлик, яратувчанлик ишларини жадаллик билан давом эттирмоқдалар. Эртанги кунга ишонч ва умидворлик билан меҳнат қилиш ҳар бир қўшқўпирликнинг эзгу мақсадига айланган. Туман раҳбари билан бўлган суҳбатимиз ҳам шу ҳақда кечди.

— Жуманазар Оллоберганович, суҳбатимиз айни Наврўз айёмида бўлаётганлиги сабабли мавзуни байрам куни ишга тушириладиган объектлардан бошласак.

— Азалий қадриятларимизни ўзида мужассам этган Наврўз байрами кунларида қутлуғ ишларни бошлаш, янги биноларни ишга тушириш анъанага айланган. Биз бундай ишлар бошламасини кенегаслик фермер Оллоберган Худойберганов томонидан қурилган "Оллом ота" тўйхонасини очишдан бошламоқчимиз. Худди шу куни "Хоразм шифер" МЧЖ ва туман марказида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қиладиган дўкон ишга тушади. Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш аҳоли яшаш тарзини яхшилашга мустақиллик йилларида алоҳида аҳамият берилди. Бу йил учун белгиланган вазифалар эса ўша кўламдор ишларнинг давоми, файзли турмуш учун ташланаётган залворли қадамдир.

— Қутлуғ кунларда қилинган ишлар сарҳисоб этилади. Янги режалар белгиланади. Шундай экан, ўтган йилда қилинган ишлар хусусида қисқача тўхталсангиз.

— Дунё мамлакатлари иқтисодий инқирозни бошидан кечираётган бир пайтда мамлакатимизда бунинг оқибатлари, бугун ва эртанги кутиладиган таъсирини ҳисобга олган ҳолда кенг кўламли лойиҳаларни амалга оширишга қатъий киришилган экан, бу ҳаммамиздан Ватан олдидаги масъулиятимизни чуқур ҳис қилиш, барча имкониятларни ишга солишни талаб этади. Шундай бир шароитда 2008 йилда туманимизда иқтисодиётнинг барқарор суръатда ўсиши таъминланди. Жумладан, худудий маҳсулот ҳажми 4,5 фоизга ўсди. Бунга саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 113,8 фоизга, халқ истеъмол моллари ҳажмини 102,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 102 фоизга, капитал қўйилмаларни 139,2 фоизга, пудрат ишларини 104,6 фоизга, чакана савдо айланмасини 105,2 фоизга, пуллик хизмат кўрсатишни 114,5 фоизга, жами хизматлар ҳажми 127,8 фоизга ўсиши орқали эришилди.

Бугунги кунда саноат, қурилиш, коммуникация ва хизматлар соҳаси тез суръатлар билан ривожланмоқда. Жумладан, Қўшқўпир пахта тозалаш ОТХЖнинг реконструкция ва модернизация қилиниши натижасида 32 минг тонна ўрнига, 40 минг тонна пахта хомашёсини қайта ишлаш имконияти яратилди. Шунингдек, Қўшқўпир силикат ғишт заводи МЧЖда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 баробарга оширилди. Хизмат кўрсатиш соҳаси салмоғини ошириш мақсадида хизмат турлари кўпайтирилиб, сифати яхшиланди.

— Иқтисодиётимиз ривожи ва аҳолининг асосий даромад манбаи бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ишлар хусусида гапирсангиз?

— Худудимиздаги салкам 30 минг гектар суғориладиган майдоннинг барчаси турли даражада шўрланган. Шу сабабли ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, ҳосилдорликнинг кескин камайиш хавфини туғдирмоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида амалдаги йилда ҳукуматимиз томонидан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга 204 миллион сўм маблағ ажратилиб, унинг ўзлаштирилиши натижасида 51,7 километрлик захкаш ва каналлар қазилди. Натижада, ер шўрланишининг олдини олишга эришилмоқда. Шу билан бирга фермер хўжаликларига ажратилган ер майдонларини оптималлаштириш борасида зарур ишлар амалга оширилди. Натижада, фермер хўжаликларига ажратилган ер майдонлари эндиликда пахтачилик ва ғаллачилик бўйича ўртача 18,2 гектардан 94,7 гектарга ошди. Ўтган йили туман бўйича тайёрланган ялпи пахта ҳосилининг 100 фоизи, ғалланинг 61,6 фоизи фермерлар томонидан етиштирилди. Деҳқон ва фермер хўжаликларида 52,3 минг тонна мева, сабзавот, картошка, узум ва полиз маҳсулотлари етиштирилди. Қишлоқларда хусусан, аҳоли хонадонларида асаларичиликни ривожлантириш учун шароит яратилди. "Янгилик" хусусий савдо ва ишлаб чиқариш фирмасида асаларичилик учун зарур бўлган мум парда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. "Хоразм нектар" асаларичиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалигининг кенгайтирилгани аҳоли дастурхонини сифатли асал билан таъминлашнинг кафолатидир. Шунингдек, яқинда паррандачиликка ихтисослашган "Дурди Камол", "Қўшқўпир еттинчи хазина" фермер хўжаликлари ташкил қилинди. Тадбиркорлик, касаначилик кичик бизнесни ривожлантириш ҳисобига 6029 иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда.

— Суҳбатимизни таълим соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳақида давом эттирсак...

— Инсон маънавияти қудратли куч. Айниқса, шаҳардан чеккада жойлашган аҳоли пунктларида яшаб, таълим олаётган ёшлар маънавий оламини бойитиш, уларни халқпарварлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш энг муҳим масалалардан биридир. Маънан етук, жисмонан соғлом фарзандлар кўнглини ҳеч қачон ёт ғоялар эгалламайди. Шунинг учун ушбу ёшлар ўртасида маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш, концерт, турли томошалар уюштириш, вилоят, республика шаҳарларига саёҳатга боришларини ташкил қилиш туман фаоллари, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари зиммасидаги вазифалардандир. Бу борада аниқ тадбирлар белгиланган.

Шунингдек, туманда спорт соҳасини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. 2008 йилда 2 та болалар спорти объекти ишга туширилган эди. Жорий йилда ҳам бу ишлар давом эттирилади. Мактаблар, коллежлардаги спорт заллари қайта таъмирланиб, жиҳозланади.

Юртимиз ободлиги Президентимиз таъбири билан айтганда, қишлоқлардан бошланади.

— Энди Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили режалари ҳақида...

— Туман аҳолисининг 70 фоизи қишлоқларда истиқомат қилаётганлиги боис 2009 йилда амалга оширадиган дастурларимизнинг асосий қисми қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яхшилашга қаратилган. Ушбу ишларни амалга ошириш учун туман дастурига таклифлар ишлаб чиқилиб, белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун 15 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиши кўзда тутилмоқда. Тадбиркорлик, кичик бизнес, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, касаначилик, паррандачилик, асаларичиликни кенг йўлга қўйиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ички йўлларни таъмирлаш каби масалалар дастур асосини ташкил этади.

Суҳбатдош:
Холмурод ҚУРБОНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Хоразм вилояти

Хоразм вилояти бунёдкорлари

Янгиариқ ХКМК-291, "Ғишттаъминот", "Жайхунқурилиш"

масъулияти чекланган жамиятлари

Ўзбекистон халқини янгиланиш, ёшариш айёми Наврўзи олам билан муборакбод этади. 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида амалга оширилажак бунёдкорлик ишларида юрт хизматига камарбастамиз.

▽ Тадбир

КОЛЛЕЖДА НАВРЎЗ ШОДИЁНАСИ

Қарши тиббиёт касб-ҳунар коллежида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда 34 нафар боқувчисини йўқотган, 215 нафар кам даромадли оилаларнинг фарзандларига меҳр-мурувват кўрсатилиб, совға-саломлар улашилди.

– Наврўз яратиш, яшнатиш, меҳр-оқибат байрами, – дейди коллеж директори, тиббиёт фанлари номзоди Муҳаммади Тиловов. – Баҳор айёмида ўтганларни хотирлаш яхши одат. Узоқ йиллар билим даргоҳига раҳбарлик қилган тиббиёт фанлари номзоди, республикада хизмат кўрсатган врач Саъдулла Темиров, Пўлат Рустамов хотира соврини учун спорт мусобақаларини ташкил этдик. Ўқувчилар спортнинг волейбол, баскетбол, футбол, шахмат, шашка турлари бўйича куч синашдилар. Шунингдек, илм масканимизда самарали хизмат қилган Нормурод Рустамов, Отаназар Бекназаров, Муҳаббат Эгамбердиеваларнинг юбилейлари ҳам Наврўз тантаналарига уланиб кетди.

Ҳамширалик иши кафедраси мудири Наргиза Бўронованинг тиббиёт касб-ҳунар коллежлари учун яратилган услубий қўлланмаси "Энг яхши маъруза матни" деб топилгани, иқтидорли ўқитувчи Раъно Асадованинг тарих фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлиши, 16 нафар ўқитувчи илмий-тадқиқот ишларини ниҳоясига етказганлиги байрам шукуҳини янада оширди.

Тадбир доирасида "Юртимга хуш келдинг, Наврўз!" деб номланган театрлаштирилган томоша намойиш этилди. Дошқозон атрофидаги шўх-шодон айтишувлар, қадимий халқ ўйинлари Наврўз айёмига файз бағишлади.

Ўз мухбиримиз.

Қашқадарё вилояти

Қадимий Каликўрғоннинг келажаги ёруғ

Каликўрғон қишлоғи ўтмишда Калқўрғон бўлган. "Кал" сув чиқмайдиган баланд жой, деган маънони билдиради. Маълумотларга қараганда, Зарафшон дарёсининг чап қирғоғида жойлашган бу қишлоқ V-VI асрларда ташкил топган бўлиб, ўз даврида гуллаб-яшнаган.

Қишлоқ атрофи қадим замонларда ҳимоя деворлари билан ўралган бўлиб, дарвозаси жануб ва шимолда жойлашган.

Қишлоқ аҳолиси асосан деҳқончилик билан шуғулланиб келган. Каликўрғонлик деҳқонлар тамаки, ғалла, пахта ва жўхори етиштиришнинг ҳадисини олишган.

1929-1930 йилларда қишлоқда бошланғич мактаб ташкил қилинган. Уни ташкил қилишга қишлоқ зиёлиси Болта Сатторов яқиндан ёрдамлашади. Дастлаб Мирҳакимбой меҳмонхонасида 12 нафар ўқувчи ўқитилган.

Ҳозирги қишлоқнинг умумтаълим мактабида 450 нафар ўқувчи таҳсил олади.

Қишлоғимиз обод, кўчалари асфальтланган. Ҳамма хонадонлар табиий газ, электр энергияси ва тоза ичимлик суви билан таъминланган. Шу йили – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида она қишлоғимиз бундан-да обод бўлишига ишонамиз.

Моҳинурой ШАРИПОВА

Самарқанд вилояти

"АСАКА" банки,

унинг Қоракалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги филиаллари жамоалари

ўз акциядорлари, мижозлари, мамлакатимиз аҳлини яшариш ва янгиланиш айёми – Наврўзи олам билан чин кўнгилдан муборакбод этадилар. Бутун борлиқ гуллаб-яшнаган, сахий қуёш заррин нурлари билан оламни нурафшон этаётган шу кунларда барча юртдошларимизга эзгу ниятларимизни билдириб, уларга келгуси ишларида равнақ, мустаҳкам соғлиқ, хонадонларига тинчлик-хотиржамлик, дастурхонларига қут-барака тилаймиз. Ҳар бир кунингиз Наврўздай шод-хуррам бўлсин, азиз ватандошлар!

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Халқимизнинг гўзал айёми — Наврўзи олам билан барчангизни чин қалбдан табриклаймиз. Ҳеч қачон кўнгилларимиздан шоду хуррамлик, эзгу ниятлар кўтарилмасин. Барчангизга яхши кайфият, янги-янги муваффақиятлар тилаб қоламиз. Хонадонларингиз чароғон, дилларингиз равшан бўлсин!

Самарқанд электр тармоқлари корхонаси ОАЖ жамоаси

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Мамлакатимиз аҳлини, унинг лафзи ҳалол деҳқонлари ва чорвадорларини, саноатчилари ва тадбиркорларини, маърифатпарвар олиму ижодкорларини, барча-барчани навоий фермерлар номидан Наврўз айёми билан табриклаймиз. Кўҳна Наврўзимиз юртимизга тўкин-сочинлик, қут-барака, тотувлик бахш этсин!

Навоий вилояти Хатирчи туманидаги
"ГЎЗАЛ МАРЖОНА" фермер хўжалиги раҳбари
Насриддин ЭШМУРОДОВ

Фурқат асаларичиликка ёшлигидан ихлос қўйди. Отаси Собир ака унга олти ёшидан асаларичилик сир-асрорларини ўргатди.

– Отам (жойлари жаннатда бўлсин) гарчи тиббиёт соҳасидаги олим бўлса-да, ари боқиб, ундан мўл-кўл ҳосил олиш йўллари ҳақида тинмай изланар эди. Бу соҳада устозлари, бобом Нормурод ота Саидмуродов бўлган. Отам қўшни Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида бўлганларида, албатта, асаларичилик ишларининг ташкил этилиши билан қизиқар, менга "Ўғлим бу касб осон эмас, меҳнати оғир, шу билан бирга шарафли, минг дардга даво асал етиштиришнинг ўз гашти бор", дея бот-бот такрорлар эдилар.

МИТТИ МЕҲНАТКАШЛАРДАН КАТТА ДАРОМАД

Фурқат отасининг панд-насиҳатига қулоқ тутиб, кам бўлмаяпти. У соҳага доир адабиётларни мутолаа қилар экан, назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлайди. Билмаганларини тажрибали, уста асаларичилардан сўраб ўрганади. Уларнинг йўл-йўриқлари, тавсиялари асосида иш тутади.

Фурқат Сатторов асаларичиликдаги ютуқ ва муаммолар ҳақида тўхталар экан, бу соҳа учун ҳар йил ҳам баракали келавермаслигини, мўл ҳосил машаққатли меҳнат эвазига эканлигини алоҳида таъкидлади.

– Ўтган йилнинг қиши биз учун оғир келди. Анча йўқотишлар бўлди. Чунки қишга тайёр эмас эдик. Бунинг ўрнини тўлдириш учун астойдил меҳнат қилдик. 240 арининг ҳар бир оиласидан 25-30 килограмм, жами беш тонна асал олдик.

Бу йил қиш илиқ келди. Баҳор ҳам серёғин бўляпти. Арини Термиз туманидаги Наврўз, Гулбаҳор ҳудудларида парваришлаяпмиз. Эътиборли томони шундаки, бизнинг об-ҳаво асаларичиликка жуда мос ва қулай. Йил бўйи 340-350 кун ҳаво очиқ бўлади. Амударё икки чўлнинг ўртасидан ўтган. Тўқайзор ва чўл минтақаларидан иборат бу ерлар шифобахш ўсимликларга бой. Мия ўсимлиги гули асалари учун асосий озуқа ҳисобланади. Кўп ҳолларда афғон шамоли ўсимлик гулларини барвақт тўкиб юборади. Аниқроқ қилиб айтганда, беш, ўн йилда бир марта мўл асал олинади, яъни ҳосил олиш мавсуми ўн беш кунгача давом этади. Кўпинча эса бу мавсум тўрт, беш кунда тугайди.

Ариларга қўшимча озуқа эрта баҳорда, дарахтлар гулламасдан берилади. Кучсиз оилага алоҳида эътибор қаратиш керак. Ари оиласини кўпайтириш ниятида бўлган киши ана шунга қатъий амал қилиши лозим.

Асаларини мавсумда Музработ туманидаги Хўжако, Шероддаги Кўҳитанг тоғларига олиб борамиз. Эрталаб соат 4-5 дан иш бошлаймиз. Олдин асалари уялари оиласи сони 500 та эди. Уни кўпайтириш йўлида изланишлар олиб бориляпти.

Асаларичиликда ҳам қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари сингари селекция ишларини йўлга қўйиш учун вақт етди. Бу соҳада Украинадаги асаларичилик илмий-тадқиқот институтида яхши тажриба тўпланган. Карпат она арисини кўпайтириш, айниқса, яхши самара берди. Бу орқали ҳар бир асалари оиласидан 45-50 килограммдан асал олинди. Украинада бу рақам 65-70 килограммни ташкил этади.

Шундай ўсимлик гуллари борки, унда шира кўп бўлади. Масалан, ингичка толали ғўзада шира мавжуд. Агар асаларилар ана шундай майдонларга қўйилса, биринчидан ғўза барги чанглатилиб, ширасини олинади. Иккинчидан, зарарли ҳашаротлар камаяди. Ҳосилдорлик 20-30 фоизга ошади.

– Ҳар йили ноябрь ойида ўзаро тўпланиб, амалга оширилган ишларни таҳлил қиламиз, – дейди Фурқат Сатторов. – Асаларичиликни янада даромадли соҳага айлантириш учун янги маҳсулдор зотларни келтириб, маҳаллий шароитда ундан мўл ҳосил олиш йўллари ҳақида маслаҳатлашамиз. Бунинг учун Украина, Россия давлатлари мутахассислари билан ҳамкорлик ўрнатиб, наслдор зотларни тижорат йўли орқали эмас, балки кафолатланган ҳолда нуфузли вазирлик ёки идоралар орқали олиб келиш мақсадга мувофиқдир. Бу соҳада Германия, Франция давлатларидаги илғор тажрибалар ҳам эътиборга моликдир. 2005 йилда Халқаро асаларичилар федерацияси президенти, технология комиссияси раиси, техник консультант Жил Ротти дунёнинг 70 та давлатини велосипедда айланиб чиққан. У Термизга келиб, бу ердаги иқлим, об-ҳавонинг соҳа ривожидаги имкониятларига юксак баҳо берган. Шунингдек, хорижлик ҳамкорлар 80 минг АҚШ долларлик лаборатория жиҳозларини олиб келишди. Ҳисоб-китобларга қараганда ҳар бир асаларичи камида 500 оила асаларини парваришласа, соҳани даромадли тармоққа айлантириш мумкин. Арилар парваришида махсус дори-дармонлардан фойдаланиш талаб этилади. Ачинарли томони шундаки, бизда ари касалликларини аниқлайдиган лабораториялар мавжуд эмас.

Асаларичиликни ривожлантириш учун юртимизда барча шарт-шароитлар етарли. Чўл, тўқай, тоғ минтақалари бизда 50-60 километр узоқликда жойлашган, холос. Хорижда эса бу 12-15 минг километр масофага тўғри келади. Соҳани янада ривожлантириш учун қишга, касалликка чидамли, маҳсулдор, бир турдаги ўсимлик ширасидан иккинчисига тез ўтадиган сертухум асаларини зотларини олиб келиб, кўпайтириш лозим. Бу эса шифобахш асал етиштиришни янада ошириб, унинг нархини анча арзон бўлишини таъминлайди.

Хусан ТЕМИРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Сурхондарё вилояти

СУМАЛАКНИ ФАРИШТАЛАР ПИШИРАДИ

Қўлимда бир кафт буғдой. Дастурхонда бир пиёла сумалак. Табиат неъматидан шундай ажиб таом яратган қўлларга беихтиёр таҳсин айтаман. 6 яшар жияним: "Амма, буни атала, деб ўйламанг, жудаям ширин, бир ичиб кўринг", деб ўзича чуғурлайди. Мурғак гўдакнинг мушоҳадаси мени қизиқтириб қўяди.

— Нега ширин атала деяпсан?

— Ичиб кўринг дедим-ку. Шакар солингандай эмас, бошқача ширин.

Унинг бу гапи қаердадир ўқиганим — буғдойдаги сахароза 12-15 соат давомида қайнатилса ҳам ўз таъмини йўқотмаслик хусусиятига эга эканини эсимга солди. Мозий билан замонамизни туташтириб турган "ширин атала"нинг бетидаги тарам-тарам излар момоларнинг пешонасидаги ажинни эслатади. Салкам бир ҳафталик ранжу риёзатдан сўнг дастурхонга тортилган сумалак ҳам машаққатли меҳнатнинг суратини акс эттираётгандай назаримда. Ҳаётнинг паст-баланд сўқмоқларидан ўтган умр йўллари эса ўз аксини пешонага муҳрлайди.

Ҳали сумалакни тарқатиб улгурмаган Беғам момони гапга соламан. Фикратимда чарх ураётган: "Замонлар неча бор эврилса-да, неча минг йил олдин кашф бўлган таомнинг бизгача етиб келишининг сири нимада экан?" деган саволга жавоб топмоқчи бўламан.

— Болам, сумалакдан азиз таом йўқ. Лекин уни тайёрлашдек нозик ва машаққатли юмуш ҳам кам, — дея сўз бошлайди момо. У худди куфр келтиргандек шоша-пиша қўли билан оғзини бекитди-да, "Ўзлари кечирсинлар", деб қўйди.

— Даставвал буғдойни элаб, тозалаб, бир неча бор юваман. Салқин, нимқоронғи хонада текис жойга ёяман, ҳар 2-3 соатда сув сепиб тураман. Агар сув бериш кечикса, буғдой қизиб, чирсиллаган овоз чиқаради. Ўстирилаётган буғдойга бегонанинг кўзи тушмаслиги керак. Чунки сумалак ниҳоятда покликни талаб қилади. Худди чақалоқни суқли кўздан асрагандек буғдой майсасини ҳам ҳар хил нигоҳлардан асрайман. Буғдой ўстириб сумалак тайёрлашнинг нозик томонларидан бири буғдойга сув беришда адашмаслик, меъёрни сақлай билиш керак. Агар сув кўп сепилса, сумалак тахир бўлади, кам сепилса, буғдойнинг нишлаши ва томир отиши кечикади. Агар буғдой майсалари ўсиб кетса, таом ачқимтир бўлиб, жиғилдон қайнашига сабаб бўлади.

Майсани туйиб, қозонга солиш жараёнида ҳам фаришта-мисол аёллар қатнашса дейман. Ҳар сафар майса шарбати бир қайнаб чиққунча юрагимни ҳовучлаб тураман. Нимқоронғи хонадан ёруғликка чиққан неъмат ойдин юзли фаришталарни хуш кўради-да. Худога шукрки, 40 йилдан буён сумалак пишириб келаётган бўлсам бирор марта ҳам шарбат "қора"дан чиққунча тошиб кетиб, кўнгилни хижил қилган эмас.

НАВРЎЗ АНЪАНАЛАРИ

Баъзан ҳазиллашиб "Малаклар таомини малаклар пишираётган бўлса ажаб эмас", деб қўяман. Шарбатга ун солиб қорилгач, олов аста-секин баландлатилади. Сув, ун, олов меъёрида бўлса, таомга ширин таъм бахш этади. Шарбат қайнаётганда кавлашни сусайтирсангиз, қоралари таом рангини ва таъмини бузади.

Эрталаб қозоннинг оғзини очиш олдидан "Келинглар-чи, қандай синоатнинг гувоҳи бўларканмиз", деб хонадон аъзолари ва маҳалла кайвониларини чақираман. Не кўз билан кўрайликки, сумалак юзида ой ва юлдузлар, баъзан гул новдалари, дарахт ёки товус расми, турли нақшлар акси бўлади. Аслида бу энг охирги 41-расм ёки нақш бўлади. Чунки сумалак тайёр бўлгач, юзи 41 тусга киради. Бу рамзларни фаришталарнинг миннатдорчилигига йўяман. Баъзан таомни пишираётганда фаришталар ҳамроҳ бўлиб турармикин, деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам қозон атрофида фақат кўнгилли суҳбатлар қуринг, пок ниятлар қилинг, яхши тилаклар айтинг, дейман. Ахир, сумалак қайнагунча айтилган тилаклар ижобат бўлади, дейишади-ку. Фаришталар ўз қавмларини шундай қўлласалар, ажаб эмас.

Беғам момонинг сўзларини тинглар эканман, айни дамда назаримда момо фаришталарга айланганди. Чунки фаришталар учун замону маконнинг чегараси бўлмаганидек, бу фаришталар аёл ҳам момолар удумига умрибоқийлик бахш этиб келаётир.

Дилбар КЕНЖАЕВА

ЭШАК МИНГАН ҲАМ КЎПКАРИДАН БЕНАСИБ ЭМАС

ёхуд "Ўнг оёқми, чап оёқ?" удумининг маъноси

Наврўз айёми тонгиданоқ карнай-сурнай, чилдирма, чанқовузларнинг навоси оламни тутади. Маҳоратли пазандалар катта қозонларда миллий, тансиқ таомлар тайёрлаб, Наврўз сайлига чиққанларга улашади. Ёши улуғ нуронийлар қаҳратон қишдан эсон-омон чиқиб, кўкламойга етганларига шукроналар айтади, юртга тинчлик, тўкинлик тилаб дуолар қилади. Навбаҳор ҳавосидан диллар яйраб, шукуҳга тўлган шу паллада ҳофизлар созларини минг нағмага солади. Куйга монанд рақс тушиб, чиройли йўрғаловчи ёш-яланглар бўлади — хонишлар хиром аралаш.

Дордаги дорбоз ҳаммани лол қилган, масхарабозлик, қизиқчилик, бахру-байт айтишуви, халқ ўйинларидан завқланмаган киши йўқ. Кураш, кўпкари ҳамма томошадан қизиқ. Алпомиш авлодлари, алпқомат полвонлар беллашади, чавандозлар ҳайқиради, қорабайир отлар оёғи остида ерлар зириллайди. Сайилда қадимги турли ўйинлар ўйналади: чиллак, зувуллатар, боболатакам, мак, кучмак дегандек.

Халқимизнинг руҳиятига сингган қадриятлар, урф-одатлар, ирим-сирим, маросимлар тўкис адо этилади. Шу удумлардан бири, айниқса, қизиқарли. Унинг номи "Ўнг оёқми, чап оёқ?"

Қайвони онахонлардан бири кафти устига бир норасида чақалоқни турғазиб кўтаради. Айтайлик, Ойсанам холанинг хўжайини эрта баҳордан эски тракторини созлаб, қишлоқдошларининг томорқаларини ҳайдаб, меҳнати эвазига келган "мулла жиринг"га чорва сотиб олишни ният қилган. Хўш, отахон ҳовлисидаги оғил ва қўралар чорвага тўладими ёки йўқ? Ойсанам норасида гўдакнинг харакатидан ана шуни билмоқчи бўлади.

— Момоси, Бўбажоним менинг ниятимни билиб берсин, — дейди у. Лекин унинг ниятини ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. Ният-да айтилмайди. Агар шу тобда гўдак ўнг оёғини кўтарса, демак, ниятнинг ижобати бор, чап оёғини кўтарса эса...

— Эй, Ойсанам, болажоним ўнг оёқчасини кўтариб, ниятингга етсанг менга, чақалоқконимга қандай совға берасан? — дейди қайвони момо.

Ойсанам холамиз ҳам рўмолининг бир учига тугилган пулни ушлаб:

— Моможон, сиз эмас, бўбажон сўраганини бераман, — дейди.

Удумни кўришга йиғилган одамлар бу гапдан гуррос кулади. Ахир, чақалоқ гапирмайди-ку, у Ойсанам холадан нимани ҳам сўрарди?!

— Илоҳим, юрт тинч бўлсину, ўйларимиз буғдойга тўлсин, — дея қайвони онахон "ўнг оёқми, чап оёқ"ни бошлаб юборади. Болани бола тилида суйиб, алқаб, Ойсанам холасидан бир нима совға олиб беришини ваъдалар қилиб, "ўнг оёқми, чап оёқ" деяверади.

Шунда денг, чақалоқ ўнг оёқчасини кўтариб юборади. Ойсанам опанинг ҳам суюнчиси ўзгача бўлади. Суюнганидан суюнтирадиган ҳадялар беради.

Тарихий асосларга кўра, ёши уч минг йилдан ортиқ Наврўз шодиёнаси ҳазил-мутойибалар, шўх киноялари ва ҳам холи бўлмайди. Айтайлик, сайил мусобақаси ғолиблари муносиб тақдирланади. Баковул қурғур, гарчи кўпкарида фақат отлиқлар қатнашган бўлса-да, олимга қўйилган совғалардан бирини озғин эшак миниб келган сайилчи елкасига ташлайди. Бу ишни баковул умумхалқ шодиёнасидан шу бечора ҳам уйига қуруқ қайтмасин учун қилади, қолаверса, эшак минганни уялтириш нияти ҳам бор. Яъники, шу киши ҳам ғайрат-шижоати жўшиб меҳнат қилсину, келаси Наврўз айёмига эшак эмас, от миниб келсин...

Халқимизнинг донишмандлигига тан бермай илож йўқ.

Олтинсойда ҳар Наврўз мана шундай чинакам халқ сайли, байрам бўлади. Шу куни каттаю кичикнинг қалбидан гинадоватлар кетиб, хуш туйғулар, баҳордек гўзал тилаклар эгаллайди.

Абди ПАРДАЕВ

Tashabbus-2009

РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА

Нукусда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Унда 46 нафар ҳунарманд, фермер ва тадбиркор ўз маҳсулотлари билан қатнашдилар.

Танлов якунига кўра "Йилнинг энг яхши тадбиркори" номинацияси бўйича Нукус шаҳридаги "Проминвест" масъулияти чекланган жамияти бошлиги Сарахон Қойлибоева, "Йилнинг энг яхши фермери" номинацияси бўйича Тўрткўл туманидаги "Фаровонлик" фермер хўжалиги раҳбари Арслонбек Абдуллаев, "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" номинацияси бўйича Нукус шаҳридан тадбиркор Ойзада Нурмуратова ғолиб деб топилди ва республика босқичига йўлланма олишди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси Б.Янгибоев, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг ўринбосари В.Реимовлар иштирок этди.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

* * *

Жиззах шаҳрида "Ташаббус-2009" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танловда туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 50 нафарга яқин тадбиркор, фермер ва ҳунарманд қатнашиб, ўндан ортиқ номинациялар бўйича беллашдилар.

Танлов натижаларига кўра, Жиззах шаҳридаги "Замонавий полимер қувурлар" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, тадбиркор Ғайрат Сайдиев "Йилнинг энг яхши тадбиркори", Дўстлик туманидаги "Уста Сафар" фермер хўжалиги раҳбари Дўстмурод Қодиркулов "Йилнинг энг яхши фермери", бичувчи-тикувчи ва зардўз Мухлиса Кодирова эса "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" деб топилди.

Кўрик-танловда асосий йўналишлардан ташқари яна бир неча йўналиш бўйича иштирокчилар қатнашгани, тақдим этилган маҳсулотларнинг олдинги йиллардагидан анча кўп бўлганлиги вилоятда бу нуфузли тадбирга пухта, алоҳида ҳозирлик кўрилганини кўрсатди.

Келдиёр ЖУРАҚУЛОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Жиззах вилояти

БОҒБОН БОБОНИНГ НИЯТИ

Зиёдулло бобо Сиддиқов Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманидаги Навкат қишлоғидан. Ёши 75 ёшни қоралаб қолган бўлса-да, ҳали тетик, бардам, бақувват.

Турмуш ўртоғи Давлатой она билан 9 ўғил, 3 қизни тарбиялаб, вояга етказган, бугунги кунда 100 нафардан зиёд невара-чеваралари даврасида шодон турмуш кечираётган отахоннинг умр йўли ибрат олса арзигулик.

Зиёдулло бобо умр бўйи ўқитувчилик қилди. Тарбиялаган шогирдлари бугун жамиятда ўз ўрнини топган, обрў-эътиборли инсонлар эканлиги уни беҳад қувонтиради.

Отахон нафақага чиққандан кейин ҳам тиниб-тинчимади. Фарзандлари билан 5 гектар дашт ерни қўлларги ёмғир селларидан фойдаланган ҳолда ўзлаштириб, боғ яратди. Ўз боғида етиштирган олма, ўрик, нок, гилос, тут, анжир, анор каби мевалардан улашиб, қўниқўшниларни, ёру биродарларни, касалманд кишиларни йўқлаш бобо учун одатга айланган.

Отахон айни шу кеча-кундузда ҳам яна бир хайрли ишга қўл урди. Кувасойдан келтирилган, халқ орасида "Президент бодоми" деб ном олган; ҳосилдор, қурғоқчиликка чидамли, юмшоқлиги ва мағзи тўқлиги билан кўпчиликка манзур бўлган бодом кўчатидан ўз боғига 1001 туп экиб, парваришлашга киришди.

— Бодомни тоқ экиш отабоболаримиздан мерос. Бундан ташқари, 1001 азалдан хосиятли рақам ҳисобланади. Шунинг учун, шунча туп кўчат ўтказдим, — дейди Зиёдулло бобо. — Бу бодомзорнинг ҳосилини фақат хайрли ишларга сарф қилишни ният қилганман.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Самарқанд вилояти

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ МАЪМУРИЙ БИНОЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАРГА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЛОТ 1-3:

1. Навоий вилояти Конимех тумани молия ва ғазначилик бўлими биносига 12х16 м ўлчамдаги қўшимча қурилиш.

Буюртмачининг бошланғич нархи – қўшилган қиймат солиғисиз 165242372,5 сўм, қўшилган қиймат солиғи билан 198290847 сўм.

Қурилиш муддати – 5,5 ой.

2. Навоий вилояти Хатирчи тумани молия ва ғазначилик бўлими биносини 15х6 м ўлчамдаги 2 та қўшимча қурилиш билан реконструкция қилиш.

Буюртмачининг бошланғич нархи – қўшилган қиймат солиғисиз 218178409,2 сўм, қўшилган қиймат солиғи билан 261814091 сўм.

Қурилиш муддати – 5 ой.

3. Навоий вилояти Навбаҳор тумани молия ва ғазначилик бўлими биносини 6х12 м ўлчамдаги қўшимча қурилиш билан реконструкция қилиш.

Буюртмачининг бошланғич нархи – қўшилган қиймат солиғисиз 137950200,8 сўм, қўшилган қиймат солиғи билан 165540241 сўм.

Қурилиш муддати – 4,5 ой.

ЛОТ: 1-4

1. Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида вилоят молия ва ғазначилик бошқармаси биносини қўшимча қурилиш билан реконструкция қилиш.

Буюртмачининг бошланғич нархи – қўшилган қиймат солиғисиз 216353668 сўм, қўшилган қиймат солиғи билан 259624401,6 сўм.

Қурилиш муддати – 10 ой.

2. Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида 12х30 м ўлчамдаги молия ва ғазначилик бўлими биноси қурилиши.

Буюртмачининг бошланғич нархи – қўшилган қиймат солиғисиз 452357975 сўм, қўшилган қиймат солиғи билан 542829570 сўм.

Қурилиш муддати – 10 ой.

3. Сирдарё вилояти Боёвут тумани молия ва ғазначилик бўлими биносини реконструкция қилиш.

Буюртмачининг бошланғич нархи – қўшилган қиймат солиғисиз 346034376,6 сўм, қўшилган қиймат солиғи билан 415241252 сўм.

Қурилиш муддати – 210 кун.

4. Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани молия ва ғазначилик бўлими биносини реконструкция қилиш.

Буюртмачининг бошланғич нархи – қўшилган қиймат солиғисиз 236194732,5 сўм, қўшилган қиймат солиғи билан 285433679 сўм.

Қурилиш муддати – 185 кун.

ЛОТ: 1-5

1. Жиззах вилояти Арнасой тумани молия ва ғазначилик бўлими биносига 12х12 м ўлчамдаги қурилиш ва реконструкция қилиш.

Буюртмачининг бошланғич нархи – қўшилган қиймат солиғисиз 207677538,55 сўм, қўшилган қиймат солиғи билан 24921345,67 сўм.

Қурилиш муддати – 4 ой.

2. Жиззах вилояти Бахмал тумани молия ва ғазначилик бўлими биносига 6х12 м ўлчамдаги 2 қаватли қўшимча бино қурилиши.

Буюртмачининг бошланғич нархи – қўшилган қиймат солиғисиз 146528473,3 сўм, қўшилган қиймат солиғи билан 175834167,96 сўм.

Қурилиш муддати – 4 ой.

3. Жиззах вилояти Зомин туманида 12х30 м ўлчамдаги 2 қаватли молия ва ғазначилик бўлими биноси қурилиши.

Буюртмачининг бошланғич нархи – қўшилган қиймат солиғисиз 383033193,21 сўм, қўшилган қиймат солиғи билан 459639831,852 сўм.

Қурилиш муддати – 6 ой.

4. Наманган вилояти Чуст туманида 8х15 м ўлчамдаги молия ва ғазначилик бўлими биноси қурилиши.

Буюртмачининг бошланғич нархи – қўшилган қиймат солиғисиз 86601424,17 сўм, қўшилган қиймат солиғи билан 103921709,004 сўм.

Қурилиш муддати – 3,5 ой.

5. Наманган вилояти молия ва ғазначилик бошқармаси биносига қўшимча қурилиш.

Буюртмачининг бошланғич нархи – қўшилган қиймат солиғисиз 646323970,833 сўм, қўшилган қиймат солиғи билан 775588765 сўм.

Қурилиш муддати – 9 ой.

ЛОТ: 1-8

1. Фарғона вилояти Фарғона шаҳри молия ва ғазначилик бўлими биносига қўшимча қурилиш.

Буюртмачининг бошланғич нархи – қўшилган қиймат солиғисиз 369825080 сўм, қўшилган қиймат солиғи билан 443790096 сўм.

Қурилиш муддати – 10,5 ой.

2. Фарғона вилояти Қўқон шаҳри молия ва ғазначилик бўлими биносини реконструкция қилиш.

Буюртмачининг бошланғич нархи – қўшилган қиймат солиғисиз 98177100 сўм, қўшилган қиймат солиғи билан 117812520 сўм.

Қурилиш муддати – 4 ой.

3. Фарғона вилояти Бағдод тумани молия ва ғазначилик бўлими биносини реконструкция қилиш.

Буюртмачининг бошланғич нархи – қўшилган қиймат солиғисиз 253903002 сўм, қўшилган қиймат солиғи билан 304683602 сўм.

Қурилиш муддати – 4 ой.

4. Фарғона вилояти Охунбобоев тумани молия ва ғазначилик бўлими биносини реконструкция қилиш.

Буюртмачининг бошланғич нархи – қўшилган қиймат солиғисиз 173431156 сўм, қўшилган қиймат солиғи билан 208117387 сўм.

Қурилиш муддати – 4 ой.

5. Фарғона вилояти Риштон тумани молия ва ғазначилик бўлими биносини реконструкция қилиш.

Буюртмачининг бошланғич нархи – қўшилган қиймат солиғисиз 198291258 сўм, қўшилган қиймат солиғи билан 237949510 сўм.

Қурилиш муддати – 4 ой.

6. Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани молия ва ғазначилик бўлими биносига 16х12 м ўлчамдаги 2 қаватли қўшимча бино қурилиши.

Буюртмачининг бошланғич нархи – қўшилган қиймат солиғисиз 168160070 сўм, қўшилган қиймат солиғи билан 201792084 сўм.

Қурилиш муддати – 6 ой.

7. Фарғона вилояти Қува тумани молия ва ғазначилик бўлими биносига қўшимча қурилиш.

Буюртмачининг бошланғич нархи – қўшилган қиймат солиғисиз 209320434 сўм, қўшилган қиймат солиғи билан 251184520 сўм.

Қурилиш муддати – 4 ой.

8. Фарғона вилояти Фурқат тумани молия ва ғазначилик бўлими биносига 8х12 м ўлчамдаги 2 қаватли қўшимча бино қурилиши.

Буюртмачининг бошланғич нархи – қўшилган қиймат солиғисиз 75952485 сўм, қўшилган қиймат солиғи билан 91142982 сўм.

Қурилиш муддати – 3,5 ой.

ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

САВДО ТАШКИЛОТЧИСИ – Тошкент вилояти "Тошконсалтингстройторг" давлат корхонаси.

БУЮРТМАЧИ МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 29-уй. Тел.: 239-48-40.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида иштирок этаётган маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотларининг танлов таклифини баҳолашда маҳаллий қурувчилар учун қуйидаги нарх имтиёзлари қўлланилади: танлов таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифи иштирокчилари томонидан кўрсатилган четдан келтириладиган ишлар (хизматлар) ва шунга асосан ишлар (хизматлар)ни олиб кирувчилар қонунчиликка кўра қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади, кўрсатилган солиқ бўйича нархи ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Тошкент вилояти "Тошконсалтингстройторг" давлат корхонаси**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй, 308-311-хоналар. Тел.: 241-15-26, 241-15-37.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплам қиймати – 120 000 (бир юз йигирма минг) сўм.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (офёрталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 29-уйда ўтказилади.

Ер — барча бойликларнинг битмас-туганмас манбаи. У ҳақиқий эгасини топса, саховатини аямайди, соҳибини бойитади. Деҳқон бойиса, эл бойийди, аҳолининг даромади ошиб, турмуши яхшиланади, шаҳар-қишлоқларимиз гуллаб-яшнайди. Бир сўз билан айтганда, она замин тириклик, тўкинчилик манбаи.

ЗАМИН САХОВАТИНИ АЯМАЙДИ

– Кўпни кўрган нуроний отахонлар билан гурунглашгудек бўлсангиз, "Ер барака", "У бизни едириб-ичиради", "Ҳаммамизнинг тақдиримиз ҳам она замин билан боғлиқ" деган мағзи тўқ гапларни бот-бот такрорлашдан чарчашмайди, – дейди Сурхондарё вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи Абдусалим Ғаниев. – Чиндан ҳам ер бизнинг жаннатмонанд юртимизда қадрланади. Таёқ суқсангиз кўкарадиган саховатли заминда ер билан тиллашиб, барча қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олаётган уста миришкорлар сероб. Ерни эъзозлаб, уни деҳқончилик илмидан йироқ кишилар қўлига ўтиб қолишига йўл қўймаслигимиз зарур. Бу борада жамоамизда бир қатор тадбирлар амалга оширилаяпти.

Абдусалим Мустафоқуловичнинг эътироф этишича, мамлакатимизда аграр соҳада ислоҳотларни изчил давом эттириш, фермерликни янада ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ушбу соҳа иш жараёнида катта самара бераётир. Бошқарма ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари томонидан ердан фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш, ноқишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларни расмийлаштириб бериш, турар-жой, нотурар-жой бино ва иншоотларни давлат рўйхатига олиш, ташкилот ҳамда фуқаролардан тушган хатларни ўрганиб чиқиш ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш бўйича ишлар амалга оширилаётир.

Бугунги кунда вилоятда 2009911 гектар ер майдони бўлиб, 281341 гектари экин экиладиган ерлардир. 32689 гектари кўп йиллик дарахтзорлар, 861324 гектари яйлов, 61723 гектари аҳоли томорқа ерлари, 200263 гектари ўрмонзорлар, 570922 гектари фойдаланилмайдиган ерлар ҳисобига тўғри келади.

Бошқарма томонидан 2008 йили режа жадвали бўйича 121 та субъектларда текшириш ўтказилди. 56 та хўжалик юритувчи субъектларда ердан самарасиз фойдаланилганлиги, 32,9 гектар майдонда қонунчилик бузилганлиги аниқланди. 62 та хўжалик юритувчи субъект бўйича 17,5 гектар ер ҳисоботдан яширилганлиги маълум бўлди. Шунингдек, хўжалик ички ер тузиш лойиҳаларидан чекиниш, ер ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш бўйича 2 та хўжалик юритувчи субъектларда, 305 гектар ер майдонида қонунчилик талаблари бузилганлиги аниқланди. Қоида бузган 121 нафар мансабдор шахслар 4369037 сўм миқдорида жаримага тортилиб, ундириб олинди. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш ишлари бўйича ўтказилган мониторингларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида туман ҳокимлари ва ташкилот раҳбарларига 44 та тақдимнома юборилди.

Назорат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда ҳукумат топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида вилоятдаги мелиоратив ҳолати ёмон экин ерлари хатловдан ўтказилди. 241225 гектар суғориладиган экин майдонининг 21563,4 гектарида мелиоратив ҳолат ёмонлашганлиги аниқланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда вилоят ҳокимининг тегишли топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида туманлардаги фермерлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида экилган озуқа экинлари ер майдонларида мониторинг олиб борилди. 4360 гектар ерга озуқа экинлари экилган экан. Амалдаги йилда ҳам бу борадаги ишлар яна давом эттирилади.

Сурхондарё вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат унитар корхонасига Холмирза Элмуродов раҳбарлик қилади. Холмирза ака шу соҳада етарли малака ва билимга эга. У доимо жамоанинг қувончу ташвишларига камарбаста.

Вилоят туманларидаги 73 та ташкилотга ажратилган жами 599 гектар, шундан 259 гектар экин ерлари ҳақидаги маълумотни қайд этиш ўз вақтида, сифатли қилиб бажарилди. Ҳозирги кунда архив маълумотларининг компьютерлаштирилган базасини яратиш ва уларни юритиш ишлари йўлга қўйилди. 2009 йил режасига киритилган мактаб, коллеж ва аҳолини сув билан таъминлаш учун ажратилган ер майдонларининг типогеодезик лойиҳа ишлари уддаланмоқда. Юридик ва жисмоний шахсларга кадастр ҳужжаларини тайёрлаш янги тартибда амалга оширилаяпти. Шаҳар, посёлка ва маъмурий ҳудудлар чегараларини аниқлаб кадастр рақами бериш тартиби, бундан ташқари қишлоқ хўжалиги экинлари экилган ер майдонларининг мониторингини ўтказишда замонавий 10 та "MAGELLAN PRO MARK-3" асбоб-анжомидан самарали фойдаланилмоқда.

Вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати, унинг туман (шаҳар)лар бўлимлари 2008 йили 12657 та объектда 623313,9 минг сўмлик ишни уддалашди. Жумладан, 1293 та иншоот топогеодезик тасвирга туширилиб, 311460,8 минг сўмлик иш бажарилди. 2845 та иншоот, турар-жой бинолари инвентаризациядан ўтказилиб, 80809,8 минг сўмлик, 6368 та объект баҳолашдан ўтказилиб, 114888,5 минг сўмлик шартномавий хизмат кўрсатилди.

Вилоят деҳқонлари кузда 98 минг гектар ер майдонига ғалла экишган эди. Ушбу пайкаллардаги экинларнинг ривожи яхши. 119 минг 600 гектар ерга чигит қадалади. Барча туманларда экин-тикиш ишлари ва бошқа юмушлар авжида.

– Мақсадимиз — ризқ-рўзимиз, тириклигимиз манбаи бўлган ердан унумли ва мақсадли фойдаланиш, – дейди Сурхондарё вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи Абдусалим Ғаниев.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.
Сурхондарё вилояти

Божхона

ЭТИККА "СИҒМАГАН" ПУЛЛАР

Мамлакатимизда валюта ресурсларидан унумли фойдаланиш, валюта бозорини янада ривожлантириш мақсадида изчил ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда нақд хорижий валюталарни ноқонуний равишда олиб ўтишга уринаётган шахсларнинг борлиги ачинарли ҳолдир.

Қўшни республикага отланган А.Нажмиддиновнинг ўзгача хатти-ҳаракати Тошкент вилояти божхоначиларининг диққатини тортди. Чунки у курткасининг чўнтагидаги 200 АҚШ долларидан ташқари этигининг патаги остида ҳам 5 минг 165 АҚШ долларини яширинча равишда юртимиздан олиб чиқишга уринган экан.

Божхоначилар, шунингдек, валютани ноқонуний олиб ўтишда гўёки "хавфсиз", аммо ярашмаган усулни қўллаган Р.Бўронова ва Б.Исмайлованинг қилмишларини ҳам фош этишди. Р.Бўронова 11 минг 390 АҚШ долларини, Б.Исмайлова эса 1 миллион 700 мингдан ошиқ қозоқ тенгесини ички кийимларига беркитиб олган экан.

Туркияга учиб кетаётган Г.Убайдуллаева сафарини қолдиришига тўғри келди. Чунки бу аёл 2400 АҚШ долларини қўл сумкасига яширганча, олиб чиқиб кетишга уринганда Тошкент халқаро аэропорти божхоначилари томонидан тўхтатиб қолинди.

Москвадан учиб келган С.Муқумов ҳам самарқандлик божхоначилар олдида ер чизиб қолди. Сабаби, у ички чўнтакларига беркитилган 204 минг 300 Россия рублини божхона баённомасида қайд этишни "унутиб" қўйган экан. "Москва-Қарши" йўналишида парвози якунланган Д.Замонов эса 56 минг 170 Россия рублини яширинча олиб кирмоқчи бўлганида ўз қилмишидан ўзи панд еди, холос.

Қорақалпоғистон Республикаси божхоначилари ҳам нақд хорижий валюталарни юртимиздан ноқонуний олиб чиқишга уринган Ш.Худойберганованинг режаларини чиппакка чиқаришди. Аёлнинг қўл сумкаси божхона назоратидан ўтказилганда, унга 39 минг 700 Россия рубли яширилганлиги аниқланди.

Қўшни давлат фуқароси Г.Ахметова юртимизга кираётиб, ёнида ортиқча нақд валюталар йўқлигини маълум қилади. Аммо ўтказилган божхона кўриги чоғида унинг қўл сумкасида баённомада қайд этилмаган 108 минг қозоқ тенгеси яширилганлиги ошкор бўлди.

Фарғоналик Д.Қосимов ҳам оғзаки сўров пайтида ва баённомада маълум этмасдан туриб, 1000 АҚШ долларини яширинча юртимиздан олиб чиқишга уринганда вилоят божхоначилари томонидан тўхтатиб қолинди.

КЎЗИНИ ЭМАС, КЎКСИНИ АЧИТДИ

Республикамиз божхоначилари юртимиз ҳудудидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига қарши қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Яқинда Сирдарё вилояти божхоначилари тегишли ҳужжатлари бўлмаган йирик миқдордаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ортилган юк машиналарининг йўлини тўсишди.

Ховос тумани ҳудудидаги айланма йўлларда ҳаракатланаётган "Зил" русумли юк автомашинаси божхона назоратидан ўтказилганда, унда фуқаро Ж.Норқўзиевга тегишли салкам 4 тонна сабзи қўшни республикага олиб кетилаётганлиги аниқланди.

Фуқаро З.Жўраев бошқарувидаги "КаМАЗ" божхона назоратидан ўтказилганда, унга тегишли ҳужжатлари бўлмаган 13 тоннадан ошиқ пиёз юклангани маълум бўлди. Қиймати қарийб 11 миллион сўмлик пиёзларнинг эгаси фуқаро Н.Исмоилов экан.

Шунингдек, Оқолтин тумани ҳудудида божхоначилар 2 та ҳолатда йирик миқдорда, яъни ҳар бирига салкам 15 тоннадан пиёз ортилган "КаМАЗ"ларни тўхтатиб қолишди. Қиймати 24 миллион сўмга яқин пиёзнинг эгалари У.Шоймардонов ва З.Тоҳировлар тегишли ҳужжатларсиз йўлга чиқишган экан.

Айланма йўллар орқали қўшни республика томон ҳаракатланаётган "Hunday" русумли автомашина Андижон вилояти божхоначилари томонидан назоратдан ўтказилди. Натижада, фуқаро Н.Абдурахмонов 2,5 тонна сабзини четга олиб кетаётганлиги маълум бўлди.

Ҳозирда юқоридаги қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси
Матбуот хизмати

Маданият хабарлари

"КЎЗГУДА ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ"

пойтахтимизда шу номдаги фотокўргазма очилди

Тошкент Фотолар уйида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Ўзбекистон Бадиий академияси, халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорлигида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб, ҳаваскор фотосуратчиларнинг "Кўзгуда қишлоқ ҳаёти" мавзусидаги республика фотокўргазмаси очилди. Унда 23 нафар муаллифнинг 200 га яқин ижодий иши намойиш этилмоқда.

Юртимиз қишлоқларининг тарихи, табиати, урф-одат ва анъаналарини, аҳолисининг ўзига хос турмуш тарзини ёрқин акс эттирувчи фотоасарлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Фотокўргазма шу йилнинг 24 март кунига қадар давом этиб, ғолибларга ташкилотчилар ҳамда ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари ва дипломлар топширилади.

Суннатилла ИСЛОМОВ

ВАРРАГИМ, БАЛАНД УЧ!

Собир Раҳимов тумани Алишер Навоий номидаги маҳаллада Наврўз байрами олдидан варрак учирувчилар мусобақаси бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган "Варрагим энг баландда" деб номланган беллашувда маҳалланинг кўп қаватли ўйлари ва хонадонларида истиқомат қилувчи 30 нафардан ортиқ бола иштирок этди.

Қизиқарли мусобақада биринчи ўрин варракни биргаликда учирган Мансур Акмалов ва Зариф Бахтиёровга насиб этди. Иккинчи ўринни Фазлиддин Фахриддинов, учинчи ўринни Муҳаммад Раҳимов қўлга киритди.

Муҳаммад Амин
(ЎзА) **олган сурат.**

СОВРИНДОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Қарши давлат университети "Ёшлар маркази"да вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ташаббуси билан йил дастури ҳамда Наврўз умумхалқ байрами тадбирлари доирасида талабаёшларнинг "Ниҳол" ва "Зулфия" мукофоти совриндорлари билан учрашуви ташкил этилди.

Лазизбек Қиличев, Саъдулла Бадалов, Зарнигор Аҳмедова, Фаёза Валиева, Феруза Маҳмудова сингари иқтидорли совриндор ёшлар йиғилганлар эътиборига ижодларидан намуналар ҳавола этишди. Қизиқарли ва мароқли ўтган учрашув давомида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Мухтасархон КАРИМОВА,
Маданият ва спорт ишлари вазирлиги мутахассиси.

Утерянное свидетельство № 592105, об окончании 8 классов, выданный шк. № 107 Акмаль Икрамовского района (ныне школа-гимназия № 107 Учтепинского района) г.Ташкента на имя Гусаровой Марины Васильевны, считать недействительным.

Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария Бош бошқармаси
Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги
456-сонли қарорига асосланган ҳолда 2009 йил учун эпизоотияга қарши ўтказиладиган
тадбирларни амалга оширишда талаб этиладиган ветеринария препаратлари ва
лаборатория диагностикумларини харид қилиш мақсадида

2009 йилнинг 28 апрель куни
ОЧИҚ ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

1	Ящур (А, О, Осиё-1 типи)	9	Брадзот
2	Қутириш	10	Туберкулёз
3	Қуйдирги	11	Отларнинг манқаси
4	Бруцеллёз ("REV-1")	12	Парранда ўлати (шт. "Н")
5	Лептоспироз	13	Итлар цистедози
6	Туялар ўлати	14	Чўмилтириш воситаси
7	Қорасон	15	Лаборатория диагностикумлари
8	Қўйлар чечаги		

Товарлар амалдаги ветеринария қонунчилиги талабларига жавоб берган ҳолда тендер шартларида кўрсатилган муддатларда етказиб берилиши талаб этилади.

Таклифлар 2009 йил 27 апрель куни соат 18.00 гача қабул қилинади.

Тендер ҳужжатларининг нархи: 200000 сўм.

Тўлов шартлари: пул ўтказиш йўли билан.

Манзил: Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 21 "а"-уй. Мурожаат учун телефонлар: 276-49-92, 276-90-85.

SUVMASH
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Насослар ва электр машиналар ишлаб чиқариш ҳамда таъмирлашга ихтисослашган корхона қуйидагиларни тайёрлайди ва таъмирлайди:

ЭЦВ русумли қудуққа мўлжалланган насослар;
ЭЦВ6-10-80 ЭЦВ8-16-160М ЭЦВ8-16-80М ЭЦВ8-25-100М ЭЦВ8-40-90М ЭЦВ8-40-60М
ЭЦВ10-63-65 ЭЦВ10-63-150 ЭЦВ10-65-110 ЭЦВ10-100-15М ЭЦВ10-120-80М ЭЦВ10-120-55М
ЭЦВ10-120-40М ЭЦВ10-120-30М ЭЦВ10-160-35М ЭЦВ12-255-30М

Д русумли ётиқ насослар;
Д320-50М Д630-90М Д1250-65М Д1250-125М Д1600-90М Д2000-21
Д2500-62 Д3200-33 Д3200-75 Д4000-95 Д6300-80 Д6300-27

К русумли тагликка ўрнатилган насослар;
К200-125-330 К200-150-268 К100-65-250 К100-65-200 К100-80-160 К80-50-200
К65-50-152 К40-32-128

Насос станциялари;
А50ГО-0,5/10 А40ГЦ-0,55/21 А30ГЦ-0,3/7 СНП 500/10 СНЭ 200/5

Барча русумдаги насосларнинг эҳтиёт қисмлари;
Корхонада шунингдек, насос қурилмалари ва қуввати 3000кВт гача электр двигателлар капитал таъмирланади;

SUVMASH ОАЖ акцияларининг назорат пакетига Энергомашкорпорация ОАЖ (Россия Федерацияси) эгалик қилади.

100182, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бектемир тум., Ҳусайн Байқаро кўчаси, 13.
Tel: (998 71) 295-13-00, 295-25-75, 295-06-37. Fax:(998 71) 295-51-08, e-mail:office@suvmash.uz , www.suvmash.uz

AGROZYM
ФЕРМЕРНИНГ ЯНГИ УМИДИ

Қишлоқ хўжалик экинларидан очиқ майдонда ва теплицада юқори ҳосил олишни истасангиз **"Daiichi Agro Kimya Busines" корхонаси Сизга экологик тоза органик AGROZYM (суюқ) ўғитини тавсия этади.**

AGROZYM ўғити таркибидаги органик моддалар, B_1, B_2, B_6, B_{10}, B_{12}, С витаминлари, лимон ва аминокислоталар ҳамда турли бошқа моддалар экин ва ўсимликларнинг ўсиш ва сақлаш давридаги:
— ҳосилдорлигини;
— соғлом ривожланишини;
— ҳар қандай об-ҳаво шароитига чидамлилигини;
— ер шўридан келадиган зарарни камайтиришни;
— таъми ва мазаси яхшиланишини;
— витаминларга бўлган талаби қондирилишини;
— ҳосил йиғилгандан кейинги сақланиш муддатини ва бошқа ижобий хусусиятларни ривожлантиради.



DAIICHI GROUP

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қорақамиш кўчаси 2-уй.
"Daiichi Agro Kimya Busines" корхонаси ("Зенит" заводи ёнида).
Тел: 150-10-47 факс: 150-10-46

Макарон, омихта ем ва қоплар сотилади

"Шўрчи дон маҳсулотлари" акциядорлик жамияти корхонасида ишлаб чиқарилаётган омихта ем маҳсулотлари тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали биржа савдоларида вужудга келган ўртача нархларда маблағ ўтказиш ёки нақд пулга, макарон маҳсулотлари ва қоплар тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали маблағ ўтказиш ёки нақд пулга сотилади.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Шўрчи шаҳри, Ун заводи даҳаси 1-уй.
Телефонлар: (8-376) 45-51-772; 45-54-584.
"Шўрчи дон маҳсулотлари" АЖ маъмурияти.
Маҳсулотлар сертификатланган.

Дунёда инсон зоти борки, кимнидир, ниманидир соғиниб яшайди. Ҳатто, кўкда учган қуш ҳам, ерда ўрмалаган чумолининг ҳам, дов-дарахт ҳам баҳорни соғиниб, кутиб яшайди. Бўлмаса кўклам нафаси келар-келмас осмонда турналар "қур-қур-ей" деб арғимчоқ солиб учишмас, чумолилар узун бўлиб қаёққадир йўлга чиқишмас, ўсимлик дунёси жонланиб, олам гулларга бурканмасди.

Ташриф

ТУЙҒУ

Биз ҳам баҳорни жуда-жуда соғиндик. Унинг илиқ-иссиқ кунларини, тупроқ ҳидини соғиндик. Димиққан хоналардан тезроқ ташқарига чиққимиз, табиат билан ошно бўлгимиз келади.

Алдамчи қишнинг қошу қовоқларидан тозаям ҳайрон бўлиб қолдик. Унинг илиқ келганидан кимдир хурсанд бўлди, кимдир ўйланди. Ахир, бундай баҳор мисол қишни яқин йиллар давомида кузатмагандик. Аслида эса кўпчилик қиш ҳали яқин жойда қиличини ялангочлаб турганини билмасди. Буни узоқни кўрган кексалар, ҳар нарсага "қайдамов" деб қаровчилар кўриб туришарди, холос.

Ана шундай кунларнинг бирида кўпқаватли уйлар орасида қийғос гуллаган шафтоли ниҳолини кўрдим. Тавба! Бу ниҳол алдамчи об-ҳавога нега ишонди экан? Балки илиқ ҳаво шафтоли танасини силаб-сийпалаб, ўпиб, ардоқлаб, куртак очирган ва уйғотиб юборгандир. Ёки шу бўлакча ҳаводан дарахт танасида яшириниб ётган ғайрат-шижоат шохларга қўйилиб келиб, дув гуллатиб юбордимикан? О, бечора шафтоли! Шу ҳолинг билан беҳуда ҳавасга берилганингни қайдан билибсан? Қисқагина умрингда бундай алдамчи об-ҳавони энди кўраётгандирсан? Лекин барибир сенга раҳмат! Одамларга завқ-шавқ берганинг, кўзларни қувонтира олганинг, энг асосийси, мардлигинг учун!

Сен аввал бошқалар очилсин, деб мудраб ётавермадинг. Муштдек бошинг билан бир олам ташвишга парво қилмадинг. Ҳаётда бир марта яшайман-у деб очилдинг кўйдинг ва афсуски, ўзингни мевадан бебаҳра қолдирдинг. Бу фожиангмиди ёки бахтинг? Сенинг совуқдан бужмайган гулларингни кўрганлар буни билолмасдилар. Кўп ўтмай сим-сим ёмғир ёғди, қорга айланди. Одамлар яна уйларига бекиниб олдилар.

Дов-дарахтлар шумшайганча бошларини эгиб қолган, кечагина қукулаётган мусичалар аллақачон бўғотлар орасига яширинган.

Одамзод руҳиятининг ўзгаришга мойиллиги ғалати. Яқиндагина баҳор келиб қолди деб кўнгли алданаётганлар шу тобда қишнинг гўзаллиги-ю файзу тароватига мафтун эдилар. Балки биз учун табиат шундай ранг-барангликлари билан ҳам қизикдир.

Баҳор эса шошмасди. У олис-олис далалар, ўркач-ўркач тоғлар ортида куч йиғарди. Бошига турли-туман гуллардан ясалган ҳарир рўмолини илиб, хиёл-хиёл жилмайиб кўярди. Ҳар жилмайганида қуёш ўз нурини кучлироқ таратар, ёру кўкка илиқлик юборарди. Баҳор, сени соғиндим, дерди йўргакдан кўз очаётган куртагу қир-адирларда бош кўтараётган гулу гиёҳлар. Шошмай тур, ҳали боришимга вақт эрта, дерди баҳор шивирлаб.

Осмонда оппоқ ўркач булутлар пайдо бўлди. Улар бир-бирларини ортмоқлашиб, енгил-енгил сузардилар. Энди улар қўрқинчли эмас, қуюқлашиб ўзаро олишсалар момақалдироқ гумбурлаб, ёмғир қуяди. Ўт-ўланлару дарахтларга куч, одамзодга ҳузур бағишлайди. Болалар бошяланг ёмғирда турадилар, майсалар ёмғир қуйган сари ердан бош кўтарадилар. Ариқларда бўтана-бўтана сувлар оқади. Буларнинг бари кўкламнинг илдам қадамлар билан кириб келаётгани, илиқ-иссиқ кунлар жуда яқинлиги, момо ернинг тафти ошаётганидан далолат.

Бободеҳқон кузда бўғотга илиб қўйган кетмонини олди. Бошини қийиқча билан боғлаб, оёғига кирза этик кийди. Даласини соғинди, реза-реза тер тўкиб ишлагиси келди. Беихтиёр димоғида тупроқ ҳидини сезди. Кейин катта-катта қадам ташлаб, даласи томон кетди.

Энди, буёғи чинакам баҳор!

Абдусаттор ҲОТАМОВ

Сотим АВАЗ

Наврўзнома

Кўнглимда уйғонди бир фасл,
Бир зумда кўк олди дов-дарахт.
Қанчалик эркинман, мустақил
Ой сингари тўлиб борар вақт.

Ёмғирдек ёғади ширинлик —
Ширин юз, ширин кўз, ширин ғам,
Ҳар гўшада сулув сокинлик,
Ҳар қадамда ишонч мужассам.

Қандайин илоҳий айём бу,
Сўз узлуксиз, қувонч муттасил.
Руҳ гўёки от каби учқур,
Жисм гўё пар каби енгил.

* * *

Майсанинг чўзилган бўйу бастига,
Қараб бўладими лоқайд, хотиржам.
У ахир заминнинг энди дастига
Даврон текканини кўрсатар ҳар дам.

Дарахтларнинг узун сафига қараб,
Ўтиб бўладими беўй, бепарво.
Ахир улар мангу эзгулик истаб,
Бир қаторга турган намозхон гўё.

Сойлардан жаранглаб сочилганини
Тинглаб бўладими ётиб-ёнбошлаб.
Ахир қуёш қўли очилганини,
Улар таъкидлашар саҳардан бошлаб.

Наврўзнинг ҳар жойда кулган юзидан,
Ўпич олмай қандай яшамоқ мумкин.
Фаришталар "омин" деб турганидан
У хабар етказар шивирлаб секин.

* * *

Ернинг юзиндаги анвойи гуллар,
Бегоналар эмас бизларга асло,
Энг маъсум заминдош, замондош улар,
Йўлимизга қараб турган доимо.

Кўкнинг бағридаги сайроқи қушлар,
Барибир кетолмас узоққа биздан,
Фидокор, жафокор дўстимиз улар
Юксакдардан қанот узатаётган.

Сувнинг остидаги жонки, бардошли
Дунёда яшайди бирга биз билан.
Туш-у ўнгимизга улар сирдошдир,
Сабру шукр расмин кўрсатаётган.

Кўк тоқидан тушган Наврўзи ҳалим,
Кўнгил кўзин очган устозимиздир.
Ҳар биримизга у сингдирган билим,
Муҳаббат сингари дил розимиздир.

Наврўз, қайданам бу синоат ўтлиғ,
Оламни ёндирар кўк шарор-учқун.
Энди кўзлар ичра муҳаббат отлиғ
Эҳтиёжлар гуллар худо берган кун.

Наврўз, қайданам бу дилраболиғлар
Ўзига тортади ҳар гиёҳ порлаб.
Энди муддаодир жонинг бўлса гар,
Кўзларнинг олдида турмоқлик порлаб.

Наврўз, қайданам бу илоҳий бир барқ,
Еру кўкка маҳбуб учаётган қуш,
Энди бўлмай бўлмас орзуларга ғарқ,
Кўраётсанг ҳам беихтиёр туш.

Наврўз, қайданам бу тилсим саҳардан,
Сукунат бағрида оҳангги найнинг.
Энди мақсад эмас, диловорликдан
Лабга тегиб қайтар косаси найнинг.

Наврўз, қайданам бу ҳикмат зиёси,
Кўнгилга кўзларга оққани оққан.
Наҳот сен қуёшнинг раҳмат дарёси,
Ваё ким руҳият гул баргак таққан.

* * *

Кўнгилга жойланган фасл бу,
Умидга айланган фасл бу.
Не дилбар фасллар ичинда
Руҳ суюб, сайланган фасл бу.

Қиш кўзидан дунёни узиб
Ёз ила бойланган фасл бу.
Не ажаб, юлдузга ошуфта бўлмоқ,
Юлдузлар ойланган фасл бу.

Тоғ бағридан ҳовлиқиб оққан
Жилғалар сайланган фасл бу.
Тору танбур ила устувор
Табиат найланган фасл бу.

* * *

Соғинган дам келди, боғларга чиқдим.
Ҳаво эркаловчи оҳангдай майин.
Сарвқадлар, руҳнинг кўркам дўстлари —
Дарахтлар иболи келинчакдайин.

Ҳуснин яшармоқчи бўларди, аммо
Уларга зеб берди, табиат аста.
Барқ урди кўкламнинг атри мусаффо.
Қуёшни олқишлаб майса бир пасда.

Гиламдай тўшалди инсон пойига.
Ҳали замон гуллар — ошиқ гўзаллар
Ял-ял ёнишади бор чиройида
Ва қалбдан тўкила бошлар ғазаллар.

Кўнгилнинг кўз етмас баланд тоғида
Ҳислар зилзиласин уйғотган Наврўз.
Ҳам висолнинг эски, дилкаш боғида
Севги силсиласин қўзғотган Наврўз.

В ранее опубликованный в газете "Hayot" 6/19 (7480) 12.02.2009-18.02.2009 г. Центральная бухгалтерия при управлении среднетехнического образования (ИНН 202793566), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирзо Улугбекского района г.Ташкента, расположенное по адресу: г.Ташкент, ул.Пушкина, д 7 "А", ликвидируется (протокол собрания № 24 от 10 февраля 2004 г.). Просим читать как: "Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления".

ЧП "SOVG'ALAR PLUS" Чиланзарского района г.Ташкента, сообщает о своей реорганизации в форме преобразование в ООО "SOVG'ALAR PLUS". Тел.: 288-48-16.

СП ООО "NEFTMASHSOZLIK" (ИНН 205651939, ОКОНХ 95130) Хамзинского района г.Ташкента сообщает об уменьшении Уставного фонда с 800 000 долларов США до 715 036 долларов США. Тел.: 244-33-57.

ООО "SALOXITDIN TOY" (ИНН 201864841), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Сергелийского района г.Ташкента, расположенное по адресу: Сергелийский район, Спутник 6, дом 7, ликвидируется (протокол собрания № 1 от 18.03.2009 г.) Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 302-39-38.

МП "NURONIY KUCHQURILISH" (ИНН 205922283), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Зангиатинского района Ташкентской области, ликвидируется (протокол собрания № 1 от 10.03.2009 г.) Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 794-87-95.

Ҳурматли ёшлар!

Сизларни Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги

"ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИ"

Олий ўқув юртларига кирувчиларни тайёрлов бўлимига ўқишга таклиф қилади.

Тайёрлов бўлимида барча фанлар бўйича машғулотлар ташкил қилинган бўлиб, дарсларни университетнинг малакали профессор-ўқитувчилари ўрта маълумот олиш дастури доирасида, тест синовлари асосида олиб борадилар. Машғулотлар куннинг иккинчи ярмида соат 15.00 дан 18.00 гача ўтказилади, яъни сизда куннинг биринчи ярмида ишлаш ёки ўқиш имкони бўлади.

Ўқиш муддати — 4 ой. Пул тўлаш накд ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 255-55-77
Манзил: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй, Низомий номидаги ТДПУ, 3-бино, "Тайёрлов бўлими", 2-01 хона.

ДП "MENEJMENT TIZIMLARI KONSALTINGI" (код по ОКПО 20468296, ИНН 205895413), расположенное по адресу: 100084, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул.Боғишамол, д.7 А, сообщает о преобразовании в ООО "CENTER FOR MARKETING AND SOCIAL RESEARCHES EUREKA". Правопреемником ДП "MENEJMENT TIZIMLARI KONSALTINGI", по всем правам и объязательствам является ООО "CENTER FOR MARKETING AND SOCIAL RESEARCHES EUREKA".

Тошкент Давлат Аграр университети жамоаси Гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси Абдураҳим Нурмуродовга падари бузруквори **Расул НУРМУРОДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат Аграр университети жамоаси Деҳқончилик ва мелиорация асослари кафедраси доценти Жумабой Қўчқоровга акаси **Зарипбой ҚЎЧҚОРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ

Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Ғуломжон ИБРАГИМОВ, Акром АРИПОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Раҳматилла РЎЗИҚУЛОВ, Борий АЛИХОНОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Саид АРАБОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Виктор ЧУБ, Валерий УСТЮГИН, Шуҳрат ТОШМУРОДОВ, Шуҳрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Оловуддин ИБРАГИМОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ағитай АДИЛОВ, Гофир АЛИЕВ, Тўланбой КАРИМОВ, Шуҳрат ҒАНИЕВ, Ўктам БАРНОЕВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам КОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибият — 233-95-17. Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-44-43, 233-28-04. Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – 585-16-12; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 542-05-18; Жиззах – 366-61-16; Навоий – 224-69-08; Наманган –224-81-69; Фарғона – 223-35-98; Самарқанд – 222-29-97; Сирдарё – 372-38-13; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 750-82-39; Қашқадарё – 221-59-40.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Ⓣ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: А.ҚУЛМУРОДОВ
Мусаҳҳиҳ: А.НУРУЛЛАЕВ
Дизайнер: Ф.РАСУЛОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-217, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 17.15
19339 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2345678